

САБОҲАТ ХАШИМОВА

**ҲОЗИРГИ
ХИТОЙ ТИЛИДА
РЕДУПЛИКАЦИЯ**

САБОҲАТ ҲАШИМОВА

**ҲОЗИРГИ
ҲИТОЙ ТИЛИДА
РЕДУПЛИКАЦИЯ**

Тошкент
2012

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

УДК: 809.51 – 0

ББК: 81.2 (5 КИТ)

X – 33

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Ўқув-услугий кенгаши томонидан хитой филологияси, минтақашунослик мутахассисликлари соҳасида таълим олаётган бакалавр, магистр ва аспирантлар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Ўқув-услугий Кенгашнинг _____ - сонли Баённомаси.

Тақризчилар:

Қ.Содиқов, профессор, филология фанлари доктори

Ҳ.Алимова, доцент, филология фанлари номзоди

Ху Чженхуа, профессор, филология фанлари доктори, Хитой Марказий миллатлар университети, Пекин.

Чжан На, профессор, филология фанлари доктори, Хитой Марказий миллатлар университети, Пекин.

ISBN 9789943-25-033-1

© С.А.Хашимова

Ҳозирги хитой тилида редупликация

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президент И.Каримов “Ватанимиз келажаги, халқимизнинг этранги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў – эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб - ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир”, деб белгилаб берганлар .

Мамлакатимиз ёшлари давлат яратиб берган барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, илм ва фан соҳаларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат ва ижод қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларида Хитой билан бўлган муносабатлари алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли юарча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам хитой тилини ва хитой иқтисодини чуқур ўрганиш ишлари изчиллик билан амалга ошириб боришмоқда. Ҳозирги кунда хитой тилини мукаммал ўрганиш, мазкур тил бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиёда хитой тили, адабиёти, тарихи, иқтисодининг асосий ўрганиш, тадқиқ этиш маркази бўлиб Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳисобланади.

Мазкур китоб асосини 2009 й. муаллиф томонидан Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя этилган “Ҳозирги хитой тилида редупликация” номли диссертацияси ташкил этади.

Мазкур ўқув қўлланмадан кўзланган асосий мақсад – ҳозирги хитой тили сўз туркумларида редупликация ҳодисаси, унинг ясаиш усуллари, хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганишдан иборат. Бу эса ўқувчи-талабаларга хитой тилида редупликатив сўз яшаш усулини чуқурроқ билишга ёрдам беради. Қўлланмада мавзу бўйича келтирилган натижалар нафақат хитой тилшунослиги, балки умумий тилшунослик учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда кўрсатилган ёрдам, билдирилган таклиф ва танқидий мулоҳазалар учун Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар муррабийси, филология фанлари доктори, профессор А.М.Маннонов, филология фанлари доктори, профессор О.Н.Шаматов, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Дадабоев, филологияфанлари доктори, профессор А.Қуронбеков, филология фанлари доктори, профессор Г.Бакиева, филология фанлари номзоди, доцент А.А.Каримов, филология фанлари номзоди, доцент Х.Алимова, Хитой Миллатлар университети профессорлари Ху Чженхуа ва бошқаларга чуқур миннатдорлик билдирамыз.

“Ҳозирги хитой тилида редупликация” ўқув қўлланмаси 6 дарсдан иборат бўлиб, ҳар бир дарс ўзининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кичик қисмларга бўлинган.

Келтирилган дарсларда редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни, редупликация тушунчасига хос хусусиятлар, хитой тилида сўз туркумлари редупликацияси, структура ва семантика масалалари ҳақида маълумотлар

келтирилган. Қўлланманинг якунида умумий хулосалар, глоссарий, фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд.

Мазкур ўқув қўлланма ушбу соҳадаги дастлабки китоблардан бўлганлиги сабабли, у айрим камчиликлардан холи эмас.

Китобнинг тузилиши ва мазмунига тегишли фикр ва мулоҳазаларни қўйидаги манзилга юборишни сўраймиз: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси 25-уй, Тошкент давлат шарқшунослик институти.

Тел: (+99871)2361693.

E-mail: sabohat15@mail.ru.

Биринчи мавзу: “Редупликация” тушунчаси ҳақида.

Дарсинг мақсади: тилшуносликда редупликация ва такрор тушунчалари ҳақида умумий маълумот бериш, редупликация ва такрор тушунчалари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиш.

Таянч тушунчалар: классификация, контекст, семантика, лексика, дефиниция, когнитив, метасинтаксис, синоним, компонент, эквивалент, стандарт, детерминизация, экспрессивизм, этимология, диахрония, дуализм, субстантив маъно, ассиметрия, лексик такрор, услубий такрор, грамматик такрор, тақлидий такрор, диввергент такрор, морфема, интерфикс, комплекс, ономотопея.

“Редупликация” лотинча *reduplicatio* сўзидан олинган бўлиб, “такрорлаш”, “икки марта қайтариш” маъносини англатади¹, такрорий сўз ҳосил қилиш усули ҳисобланади².

Такрорий сўз айна сўзни такрор ҳолда қўллаш билан тузилган сўзга нисбатан айтилади³. А. Ҳожиёвнинг фикрича, такрорий сўз кўплик, давомлилик каби маъноларни ифодалайди.

Такрорнинг сўз яшаш функциясини четлаб ўтиб, унинг фақат сўз шаклини ясовчи функцияси эътиборга олинса, унда такрор ҳар хил маъноларни ифодалаб берувчи формал восита сифатида намоён бўлади. Масалан, такрор а) сифатларнинг кучайтирилган (камайтирилган) хусусиятини; б) феълларда ҳаракат давомлилиги, интенсивлиги, бир неча маротаба такрорланганлигини; в) субстантив маънолар доирасида йиғувчи ёки тақсимловчи маъноларни; г) экспрессив-услубий вазифа маъноларини ифодалайди.

Бу маъноларнинг ҳаммаси тилнинг бошқа воситалари орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Бундай ёндашув такрорнинг С. Карцевский томонидан изоҳланган “тил бирлигининг ассиметрик дуализми”⁴ деб номланган таснифига жавоб беради.

“Такрор” билан “редупликация” орасидаги фарқ нимада?

“Такрор” деганда нафақат маълум бир сўзнинг такрорланиб келиши, балки қайтариқ (такрорланадиган ёки такрорланган ибора, гап ва шу кабилар) ҳам тушунилади⁵.

Барча “такрорий” деб юритиладиган сўзлар доимо редупликатив сўз ҳисобланмайди. Масалан, “такрорий феъл” деганда такрорланадиган ҳаракатни ифодаловчи феъл англашилади: “тепкиланмоқ”, “тортқиламоқ”⁶. “Редупликатив феъл” эса бир феълнинг қисман ёки тўлиқ иккиланган шаклини билдиради:

¹ Азизов О. Тилшуносликка кириш. - Т.: Ўқитувчи, 1989. - Б. 26.

² Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - Б. 101.

³ Кўрсатилган луғат. - Б. 102.

⁴ Словарь иностранных языков. - М.: Русский язык, 1979. - С. 209.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили, 1981. Т.2. - Б. 110.

⁶ Кўрсатилган луғат. - Б. 110.

“буралиб - буралиб”, “эшилиб - эшилиб”, “тўлғаниб - тўлғаниб”, “яйраб - яйраб” (ўйнамоқ) ⁷. Шунингдек, такрор айна сўзнинг синтактик бирлик сифатида икки ва ундан ортиқ ҳолда қўлланилишини ҳам ифодалайди: “Қўркма, қўркма, – деб такрорлади Арслон ака”⁸.

Редупликация эса бундай хусусиятга эга эмас. “Редупликация” деганда такрорий сўз ҳосил қилиш усули тушунилади. Чунки “такрор”, юқорида таъкидланганидек, редупликацияга қараганда кенгроқ тушунчага эга.

Д.Э. Розенталь, М.А. Теленкованинг “Словарь-справочник лингвистических терминов” китобида редупликацияга “такрор” деб изоҳ берилади⁹.

“Такрор” деганда маълум бир сўз негизининг ёки бутун сўзнинг такрорий ҳолда қўлланилиши натижасида сўзларнинг, фразеологик бирликларнинг, тасвириловчи шаклларнинг ясалиш усулларида бири тушунилади¹⁰.

Такрорнинг бир нечта тури мавжуд. Булар грамматик такрор, тақлидий такрор, лексик такрор ва услубий такрор.

“Грамматик такрор” деганда грамматик маъноларни ифодалаш, сўз шакллари ясаш усуллари тушунилади¹¹. Ушбу усулларга синтетик, аналитик ва гибрид (аралаш) усуллар киради.

Такрорнинг бошқа бир тури бу – тақлидий такрор. Бунда жонли ва жонсиз предметлар овозига, нарсаларнинг ҳаракати ва образига (тасвирига) тақлид қилиш орқали юзага келувчи сўзлар тушунилади (“шир-шир”, “жаранг-журунг”, “биёв - биёв” ва б.).

Лексик такрорда сўзларнинг такрори: - ҳодисалар ва предметларнинг кўплигини ифодалаш учун; - ҳаракатни, предметнинг сифатини, хусусиятини кучайтириш учун; - ҳаракат давомличилигини кўрсатиш учун қўлланилади.

Услубий такрорда экспрессивликни кучайтириш мақсадида сўзларнинг гапда бир неча марта қайтарилиши тушунилади¹².

Услубий такрор тадқиқот мақсадига киритилмаган. Чунки бундай такрор сўз ясалиш усули бўлмай, маълум бир ҳодисаларни ажратиб кўрсатиш, гап мазмунини кучайтириш учун қўлланилади. Масалан: “Чиройли, озода, одобли йўл бошловчи уни шаҳарнинг чиройли, озода йўлларида, чиройли, озода, тоза кўприклардан, чиройли, озода уйлар ёнидан Marriette хоним яшовчи Канавадаги уйга бошлаб борди”¹³.

“Лингвистический энциклопедический словарь” китобида редупликацияга қуйидагича изоҳ берилади: “Редупликация – бу фонеморфологик ҳодиса бўлиб, унинг тўлиқсиз (сўзнинг фақат бир бўғини такрорланади) ва тўлиқ (сўзнинг бутун негизи такрорланади) кўринишлари мавжуд”¹⁴.

⁷ Тоғай Мурод. Танланган асарлар. –Т.:Шарқ. 1 жилд. 2008. – 6.14.

⁸ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.101.

⁹ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Наука, 1989. – С. 286.

¹⁰ Кўрсатилган луғат. – Б.288.

¹¹ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Наука, 1989. – С. 457.

¹² Кўрсатилган луғат. – Б. 289.

¹³ Кўрсатилган луғат. – Б. 289.

¹⁴ Лингвистический энциклопедический словарь. 2-издание, дополненное. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – С. 408.

Редупликацияда сўз (сўз негизи) такрор шаклда қўлланилади, баъзан унлилар ўзгариши рўй беради (*daura-dauri* “у ёқдан бу ёққа” (индонезия тилида), *chang-chung* “жаранг-журунг” (*синаётган идиш товуши*) (хитой тилида).

В.И. Немченко редупликация деганда “сўз ёки сўз негизининг такрори натижасида мураккаб сўзларни вужудга келтирувчи сўз яшаш усули”ни тушунади¹⁵. Унинг тўлиқ ва тўлиқсиз шакллари мавжудлиги, редупликациянинг аффиксация билан бирга қўлланилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Н.М. Шанский (“Основы словообразовательного анализа” (Москва, 1953), В.Н. Троицкий (“Основные принципы словообразования” (Москва, 1963) каби олимлар ҳам редупликация (такрор)ни сўз яшаш усулларида бири деб ҳисоблайдилар. “Сўзнинг такрори нафақат сўз маъносини кучайтиришга қаратилган ўзига хос услубий усул, балки янги сўз яшаш усулларида бири ҳамдир”¹⁶.

А.С. Бархударов “Словообразование в хинди” китобида отлар ва сонларнинг такрори кўплик маъносини билдириши мумкин, деб ёзади (масалан, ҳиндий тилида *ghar ghar (men)* “ҳар бир уйда”, *bar-bar* “қайта-қайта”, *tukre-tukre (hokar)* “кўп қисмларга”). Унинг фикрича, сўзларнинг такрори гапларнинг мазмун-моҳиятини кучайтиришга хизмат қилади¹⁷.

Хитой тилида отлар ва сонлар такрори ҳам шу хусусиятга эга, масалан: 家 *jia* “уй” сўзининг такрори 家家 *jiajia* “ҳар бир уйда”, 步 *bu* “қадам” сўзининг такрори 步步 *bubu* “ҳар қадамда” маъноларига эга бўлади.

Демак, редупликация (重叠 *chongdie*) сўз яшаш усулларида бири бўлиб, сўз морфемасининг такрорланишидан вужудга келади¹⁸. Редупликация натижасида пайдо бўлган лексик бирлик редупликатив сўз ёки такрорий сўз деб айтилади. Редупликация ёрдамида фреквентатив категория намоён бўлади.

Хитой тилида редупликация ҳодисаси барча сўз туркумларида мавжуд ва кенг фойдаланиш доирасига эга. Хитой тилида сўзларнинг редупликация асосида ҳосил бўлиш усуллари икки турга бўлинади. Булар:

1. Бир бўғинли (соdda) сўзнинг такрорланишидан ҳосил бўлган сўзлар. Бунда янги маъноли лексик бирлик вужудга келади. Ушбу редупликация сўз яшаш усулларида бири ҳисобланади.

2. Икки ва ундан ортиқ бўғинли (мураккаб) сўзнинг такрорланиб келиши орқали ҳосил бўлган сўзлар. Бунда сўзнинг эквиваленти вужудга келади. Бундай редупликация эса сўзнинг бошқа бир формасини яшаш учун хизмат қиладиган усули ҳисобланади¹⁹.

Турли сўз туркумларида редупликатив сўзларнинг ҳосил бўлиши ўзига хос хусусиятларга эга. Редупликациянинг биринчи турига кирувчи сўзлар фақат

¹⁵ Немченко В.И. Основные понятия словообразования в терминах. – Красноярск, 1985. – С. 78.

¹⁶ Шанский Н.М. Основы словообразовательного анализа. – М.: Учпедиз., 1953. – С. 11.

¹⁷ Бархударов А.С. Словообразование в хинди. – М.: Просвещение, 1963. – С. 54.

¹⁸ Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – С. 84.

¹⁹ Кўрсатилган асар. – Б. 86.

фонетик томондан такрорланиб келса-да, янги маъноли сўзлар ҳисобланади²⁰. Бу сўзларнинг аввалги негиз бўғинлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қуйидаги мисолларни кўриб чиқамиз:

往往 *wangwang* “тез-тез” (往 *wang* “йўлга отланмоқ”),
 花花 *huahua* “рангли”, “жимжимадор” (花 *hua* “гул”),
 纷纷 *fenfen* “тўда-тўда бўлиб”, “оломон” (纷 *fen* “кўп”),
 事事 *shishi* “ҳамма” (事 *shi* “иш”),
 洋洋 *yanguang* “кенг” (洋 *yang* “океан”),
 落落 *luoluo* “мустақил”, (落 *luo* “тушиб кетмоқ”).

Редупликациянинг иккинчи турига асосан қариндошчилик атамалари киради. Улар бир морфемали сўзлардан (морфеманинг такрорланиши орқали) вужудга келади²¹:

爸爸 *baba* “ота”
 妈妈 *mama* “она”
 姐姐 *jiemie* “опа”
 妹妹 *meimei* “сингил”
 哥哥 *gege* “ака”
 弟弟 *didi* “ука”
 公公 *gonggong* “қайнота”
 婆婆 *popo* “қайнона”
 伯伯 *bobo* “амаки” (отанинг акаси)
 叔叔 *shushu* “амаки” (отанинг укаси)
 爷爷 *yeye* “бува”
 奶奶 *nainai* “буви”.

Редупликация орқали ясалган сўзлардан қуйидаги редупликатив лексик бирликларни ажрата билиш керак: 偏偏 *pianpian* “атайлаб”, 常常 *changchang* “тез-тез”, 渐渐 *jianjian* “аста-секин”, 刚刚 *ganggang* “ҳозиргина” каби.

Сун Чансуйнинг фикрича, ушбу сўзларда морфеманинг иккиланиб келиши “экспрессияни кучайтириш воситасидир”²², холос.

Умуман олганда, редупликация ҳодисаси гапларнинг мазмун-моҳиятини янада бойитади, гапирувчининг нутқ оҳангига ўзгача тус беради.

Биринчи мавзу бўйича мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Лексик такрор, услубий такрор, грамматик такрор, тақлидий такрор, дивергент такрор ҳақида нималар биласиз?
2. Редупликация ва такрор тушунчалари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлари нималардан иборат?
3. Тилшунос олимларнинг “такрор” ва “редупликация” ҳақидаги фикрларини изоҳланг.

²⁰ 芝警功。动词重叠的语法意义。中国语文 2006 年第 2 期。- 页 119.

²¹ Горелов В.И. Лексикология китайского языка. - М.: Просвещение, 1984. - С. 85.

²² 芝警功。动词重叠的语法意义。中国语文 2006 年第 2 期。- 页 122.

Махсус адабиёт ва манбалар руйхати:

1. Воропаев Н.В. О структуре слов-редупликатов в современном китайском языке. – М. 2002.
2. Крючкова О.Ю. Редупликация как форма словообразования. – М.: Муравей, 2007.
3. Hashimova S. Some methods of translation of reduplication in Uzbek and Chinese // “Таржимашунослик масалаларига бағишланган бешинчи Хитой анжумани” (中国第五届诗歌翻译年会) деб номланган Халқаро Илмий конференция материаллари тўплами. – Хитой Халқ Республикаси, Пекин техника университети нашриёти, 2006.
4. Хашимова С. Особенности образования слов-повторов в китайском Языке // Востоковедение. – Т., 2007. – № 1.
5. 故播刘。实用现代汉语语法。- 北京，2003 年.

Иккинчи мавзу. Редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни

Дарсининг мақсади: редупликация ва такрор тушунчалар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиш, редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрнини ёритиш.

Таянч тушунчалар: типология, лексика, функция, метасинтаксис, синоним, компонент, эквивалент, стандарт, детерминизация, экспрессивизм, этимология, диахрония, дуализм, лексик такрор, услубий такрор, грамматик такрор, таклидий такрор, диввергент такрор, морфема, интерфикс, изолятив тил, агглютинатив тил, флектив тил.

Редупликация тушунчаси бугунги кунда аниқ ва барча тадқиқотчилар қўшиладиган бир хил таърифга эга эмас. Бу тушунча остига сўз ичидаги ва сўзлараро такрорни ўз ичига олган ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшамаган доираси киритилади. Масалан, рус ва славян тилшунослиги бўйича ишларда “редупликация” тушунчаси билан бўғин (рус. “хихикать” “кулмоқ”, “шушукаться” “пичирлашмоқ” каби). Шунингдек, аффиксал (укр. “попохо”, “дити”, “попоносити” “болалар”) ёки маълум бир сўзнинг такрор ҳолда қўлланилиши (рус. “ходишь-ходишь” “юрасан-юрасан”, “далеко-далеко” “узок-узокда” каби) ва бошқа турдаги такрорлар (масалан: рус. “Пристал купи да купи” “Олиб бер, олиб бер деб ҳоли жонимга қўймайди”, “За теми деревьями леса и леса” “Ана у дарахтлар ортида ўрмонлар кетидан ўрмонлар келади”²³) келтирилади.

Редупликация ифода жиҳатидан бир хил бирликларнинг такрорланиши ёки фақат бир ўзак, бўғиннинг такрори билан чегараланмайди²⁴. Такрорлар редупликант товушнинг тўлиқ ёки қисман такрорланиши билан боғлиқ такрор сифатида ҳам, “синоним лексик бирликларнинг такрорланиши, яъни маъно такрорларининг яратилиши”²⁵ сифатида ҳам қаралади. Уларнинг функционал, структур, семантик имкониятлари фақат умумий тарзда таърифланган. Редупликация (сўз ичидаги такрор усули сифатида тушуниладиган) муаммолари “Языки Юго-Восточной Азии” (Москва, 1980) китобида кенгрок муҳокама қилинган. Бироқ хитой тили редупликация ҳодисаси ҳозирги кунга қадар назарий жиҳатдан ҳам, эмпирик жиҳатдан ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Сўз ичидаги такрорлар хитой тилида тизимли ўрганиш предмети бўлмаган, уларнинг тавсифи эса алоҳида турлар ёки такрорлар далилларини кўрсатиш билан чегараланган. Шу билан бирга, кўпгина ёки, эҳтимол, барча тилларда сўз яшаш усули сифатида қўлланадиган редупликациянинг универсаллиги гўёки тан олинган ҳақиқатдек туюлади. “Редупликация турли тилларга хосдир”²⁶. Худди

²³ Крючкова О.Ю. Редупликация как форма словообразования. - М., 2007. - С. 59.

²⁴ Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиева Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 26.

²⁵ Кўрсатилган манба. - Б. 37.

²⁶ Ревзин И.И. Два способа выражения идеи предметности и проблема удвоения //Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиевой Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 208.

шу фикр Э. Сепир томонидан ҳам билдирилган: “Редупликациянинг кенг тарқалганлигидан кўра табиийроқ далил йўқ...”²⁷. Шунингдек, редупликациянинг алоҳида универсал белгилари ажратиб кўрсатилган, масалан, “...редупликация кўпинча жадаллик, кичрайганлик ва бошқаларни ифодалаб, лексик маънонинг турланиш воситаси сифатида қўлланилади”²⁸.

Бироқ тил универсалияларини ўрганиш ҳодисаларнинг нафақат универсал (ҳар хил тиллар учун изоморф), балки типик (ҳар хил тиллар учун алломорф) хусусиятларини ҳам аниқлашни кўзда тутати. Бунда масаланинг биринчи томони илмий адабиётларда бирмунча ёритилган бўлса-да, иккинчи томони бугунги кунга қадар тадқиқ қилинмаган. Жумладан, сўз ичидаги такрор усули турли морфологик қурилишга эга тилларда бир хил қўлланадими ёки турличами, сўз ичидаги такрорнинг ўзига хос хусусияти тил қурилишининг қандай хоссалари билан боғланганлиги ноаниқлигича қолмоқда.

Редупликациянинг типологик аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ҳозирги кунгача бир-бирига қарама-қарши, зид бўлиб қолмоқда. Масалан, Н.В. Солнцева “редупликацияни тилнинг типологик белгилари қаторида кўрилиши мумкин”²⁹ деб ҳисобласа, В.И. Беликов бундай имкониятни инкор қилади³⁰.

Редупликациянинг универсал хусусиятларини кўриб чиқиш (1), унинг турли структурали тилларда типик намоён бўлишини (2) шарҳлашдан иборат бўлади. Бунда, сўз ҳосил қилиш усулларида бирини тадқиқ қилишда, типологик қиёслаш асоси сифатида тилларнинг айнан структурали ёки морфологик таснифини танлаш мантиқлироқдир.

1. Редупликациянинг анча умумий структурали турлари у ёки бу кўринишда турли тилларда кўрсатилган. Барча (ёки аксарият) тилларда редупликациянинг тўлиқ (редупликантнинг: бўғиннинг, морфеманинг, асоснинг ёки сўзнинг тўла такрорланиши), тўлиқсиз (редупликантнинг редупликаторда қисман такрорланиши) ва дивергент (редупликантнинг товуш таркибининг ўзгариши орқали вужудга келиши) каби турлари мавжуд. Масалан, тўлиқ редупликация: мал. “labu-labu” “сопол тувакча”, бурят. “дэмы-дэмы” “бекорга”, рус. “белый-белый” “оппоқ”; тўлиқсиз редупликация: хит. 糊里糊涂 *hu li hutu* “бемаъни”, “ақлсиз”; дивергент редупликация: индонез. “colak-culing” “тартибсиз”, рус. “туда-сюда” “у ёқдан-бу ёққа”. Тилда сўзнинг у ёки бу қисмларининг редупликацияси аффикслар орқали вужудга келиши мумкин (мураккаблашган редупликация). Масалан, кхас тилида “там-ши-там” “борган сари”, “кўпроқ ва кўпроқ”, бурят тилида “ула-анһаа улан” “энг қизил”, “жуда қизил”, рус тилида “черный-пречерный” “қоп-қора”.

Редупликациянинг семантик функциялари турлича. Улар грамматик маъноларни ифодалашдан то лексик семантиканинг турланиши ёки ўзгаришини

²⁷ Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиева Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 82.

²⁸ Ревзин И.И. Два способа выражения идеи предметности и проблема удвоения // Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиевой Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 208.

²⁹ Солнцева Н.В. Очерки по современному китайскому языку. - М., 1957. - С. 79.

³⁰ Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиева Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 34.

ўз ичига олади³¹. Бироқ такрор сўзлар билан бериладиган асосий маъноларда кўп тилларда ўхшашлик кўзга ташланади. Семантик универсалияларда, шубҳасиз, белги хусусиятини кучайтириш учун такрордан фойдаланиш, бу усулнинг “ўлчов ва миқдор ғояси билан” боғлиқлигидан далолат беради³².

Б.А. Успенский томонидан редупликация моделлари семантикасига оид қуйидаги универсалиялар таклиф қилинган: “Кўпгина тилларда, агар (тўлиқ ёки тўлиқсиз) редупликация сўз ёки шакл яшашнинг маҳсулдор грамматик усули сифатида мавжуд бўлса, бу усул орқали ифодаланувчи маънолар қаторида миқдор ёки даража ўзгаришлари маъноси ҳам ётади”³³. Бу умумий ғоя (инвариант маъно) турли лексик-категориал синфларда тегишли ўзгарган шаклларда, яъни “предметлик маънолари учун кўплик, турли-туманлик ва ўхшашлик, белги маънолари учун сифат даражаси, жараёнлар учун узоқлик ва кўп маротабалилик, баъзи ҳолларда эса сўз маъносининг ўзгариши сифатида”³⁴ амалга ошади.

“Таклидий ва тасвирий сўзларни ҳосил қилишда редупликациядан тасвирий восита сифатида фойдаланиш унинг семантик универсалияга айланишига олиб келди. Редупликациядан идеофонлар ва товушга таклид сўзларнинг ҳосил бўлишида кенг фойдаланилади”³⁵. Буни турли тиллардан олинган мисоллар ҳам тасдиқлайди: қирғ. “қобур-қобур” “ғўлдираш”, рус. “динь-динь” - жиринглаш товушини ифодаловчи сўз, “тик-так” - соат товушига таклид, “қуд-кудах” - товуқ товушига таклид.

2. Редупликациянинг универсал структур ва семантик кўринишлари қаторида такрорнинг умумий инвариант структур ва семантик жиҳатлари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Кузатишлар бир хил морфологик тузилишга эга тилларда редупликациянинг маҳсулдор моделлари ўзаро мос келиши, турли структурали тилларда эса яққол тафовутлар мавжудлигини кўрсатди.

Изолятив ва агглютинатив тилларда редупликация туб морфема доирасида амалга оширилади.

Масалан, Жануби-Шарқий Осиёнинг изолятив тилларида редупликациянинг асосий моделлари бир ёки икки бўғинли сўз бўғинларининг тўлиқ ёки дивергент такрорланиши кўринишида бўлади³⁶. Масалан, хитой тилидаги сифатларнинг АВВ кўринишидаги такрор комплекси. Хитой тилида бир бўғинли (сифат, от ёки феъл) морфемага такрорланган товуш комплексини³⁷ бирлаштириш орқали ҳосил бўлган шакллар анча кенг тарқалган, масалан: 凉丝丝 (地) *liangsisì (de)* “аччик”, 红扑扑 (地) *hōngpupu (de)* “қип-қизил”, “қизариб кетган” ва ҳ.к.

³¹ 陈前软。动词重叠的情况特征及气体的地位，语言教学与研究。2001年第4期。- 页56.

³² Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиева Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 22.

³³ Кўрсатилган асар. - Б. 19.

³⁴ Кўрсатилган асар. - Б. 25.

³⁵ Горгониев Ю.А. Прилагательные с удвоенным комплексом в китайском языке// Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиева Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 87.

³⁶ 陈前软。动词重叠的情况特征及气体的地位，语言教学与研究。2001年第4期。- 页23.

³⁷ Кейинчалик “такрор комплекс” деб юритилади.

Бу ҳосилалар формуласи – АBB, А – биринчи бўғин, В – иккинчи бўғин. Бунга ўхшаш шакллар Юань династияси пайтидаёқ тараққий этган эди³⁸. Ҳозир улар сўзлашув тилида ва кўпчилик насрий бадий асарларнинг тилида, шунингдек, назмда сифатнинг оддий қайд қилиниши эмас, балки унинг жонли тавсифи талаб қилинадиган барча ҳолларда тез-тез учраб туради³⁹.

Бундай ҳосилаларнинг биринчи гуруҳини копулятив алоқа асосида тузилган икки бўғинли сифатлар ташкил қилади.

Икки таркибий қисмли сифатлар икки хил такрор шаклига эга – бошланғич шаклдаги ҳар бир таркибий қисмнинг алоҳида редупликациясидан тузилган одатдаги такрор шакли ва фақат иккинчи таркибий қисмнинг такроридан ҳосил бўлган махсус такрор шакли. Масалан, қиёсл.: 新新透透 (地) *xinxintoutou (de)* ва 新透透 (地) *xintoutou (de)* “қувончли”, 健健实实 (地) *jianjianshishi (de)* ва 健实实 (地) *jianshishi (de)* “муштаҳкам”.

Иккинчи гуруҳ иккинчи таркибий қисми такрорланувчи мураккаб сифатларни бирлаштиради, масалан: 年轻轻 *nianqingqing* “жуда ёш” (年轻 *nianqing* “ёш”). Бу гуруҳга, шунингдек, лексик маъносини йўқотган иккинчи таркибий қисмнинг такрори билан тузилган ҳосилаларни ҳам киритиш керак. Бунда такрор комплекс (таркибий қисм) ёрдамчи сўзга (ёки Мюлли атамаси бўйича суффиксга) айланади⁴⁰. Қатор ҳолларда муайян фонетик жараёнлар таъсирида таркибий қисмлар бошланғич маъносини йўқотиб ва фонетик жиҳатдан бир-бирига тўғри келиб, умумий такрорланувчи бўғин билан гуруҳлар ҳосил қилади.

Масалан: 斯巴(地) *jinba (de)* “қайсар” – 斯巴巴(地) *jinbaba (de)* ёки 斯斯巴巴 *jinjinbaba (de)* “жуда қайсар”, 紧巴 *jinba* “зич” – 紧巴巴(地) *jinbaba (de)* ёки 紧紧巴巴 *jinjinbaba (de)* “жуда зич”.

Учинчи гуруҳга моддий маънога эга бўлмаган таркибий қисмнинг такрори билан тузилган сифатлар киради: 刷白 *shuabai* “жуда оқ” – 白刷刷 (地) *baishuashua (de)* “оппоқ”. Бу гуруҳга, шунингдек, биринчи – от ва иккинчи – сифат таркибий қисмлари ўзаро атрибутив алоқага эга баъзи сифатлар кўшилади. Ясалмалар такрорни от қисмнинг редупликацияси ва уни сифатдан кейинги ўринга кўчириб ўтказиш йўли билан ҳосил қилади, бунда улар “от + сифат” кўринишига эга: 冷冰 *lengbing* “муздай совук” (冷 *leng* “совук”, 冰 *bing* “муз”), 冷冰冰(地) *lengbingbing (de)* “совуққина”.

Бу ерда тадқиқот предметини ташкил қилувчи сифатлар, юқорида айтиб ўтилганлардан шу билан фарқ қиладики, уларда такрор комплекс сўз яшаш жараёнида ҳосил бўлмай, балки тайёр ҳолда кўшилади.

Бу ҳосилаларни таркибий қисмларининг табиати, ички тузилиши ва ҳозирги тилдаги мақоми, шунингдек, грамматик хусусиятлари ва вазифаларининг ўзига хосликлари нуқтаи назаридан тавсифлаймиз.

³⁸ Jin Shaozhi. Cihui.- Beijing, 1963. - P. 124.

³⁹ 张世才。形容词左转与得以一直想与在剧中的位置。南京师范大学出版社，2004 年第 1 期。- 页 164.

⁴⁰ Muliie G. The structural principles of the Chinese language. - Peking, 1989. - P. 136.

Биринчи навбатда тадқиқ қилинаётган турдаги ҳосилалар таркибий қисмларини кўриб чиқамиз. Шунингдек, бундай ҳосилаларнинг юзага келиш эҳтимолини белгилашга ҳаракат қиламиз.

Бунга ўхшаш шаклларнинг биринчи таркибий қисми, одатда, бир бўғинли сифатлар бўлади. Масалан, 酸孳孳 (地) *suanzizi (de)* “жуда нордон” (酸 *suan* “нордон”), 亮清清 (地) *liangqingqing (de)* “ёркин” (亮 *liang* “очик”), 软孳孳 (地) *ruanzizi (de)* “жуда юмшоқ” (软 *ruan* “юмшоқ”), 亮芯芯 (地) *lianxixi (de)* “жуда совуқ” (亮 *liang* “совуқ”) ва ҳ.к.

Битта сифат билан бир неча ҳосилалар яратилади. Масалан, 黑 *hei* “қора”, “тўқ ранг”дан умумий маъноли қатор бирликлар ҳосил бўлади: 黑敦敦 (地) *heidundun (de)* “қоронғи” (иморат ҳақида), 黑愈愈 (地) *heiyuyu (de)* “қорайиб кетган” (ғамдан), 黑亮亮 (地) *heiliangliang (de)* “товланиб турувчи қора”, 黑郁郁 (地) *heiyuyu (de)* “мутлақо қора” (масалан, офтобда қорайиш ҳақида), 黑油油 (地) *heiyuyu (de)* “ёғли ялтираган қора”, 黑呼呼 (地) *heihuhu* “мутлақо қора”, 黑压压 (地) *heiyaya (de)* “бутунлай тўқ ранг, қора”. 白 *bai* “оқ” сифатидан: 白净净 (地) *baijingjing (de)* “топ-тоза”, 白亮亮 (地) *bailiangliang (de)* - “мутлақо оқ”, 白哗哗 (地) *baihuahua (de)* “кўзни оладиган оқ” каби.

Биринчи таркибий қисм сифатида ҳозирги хитой тилида мустақил қўлланувчи сифатлар (黑 *hei* “қора”, 白 *bai* “оқ”, 直 *zhi* “тўғри”, 红 *hong* “қизил”, 热 *re* “иссиқ”, 冷 *leng* “совуқ” каби) билан бир қаторда, ҳозирда мустақил қўлланила олмайдиган (严 *yan* “қаттиққўл”, 逊 *xun* “жиззаки”, 愁 *chou* “қайғули” каби) қадимги хитой тилига оид сифатлар ҳам келиши мумкин⁴¹.

‘АВВ’ қолипидаги ҳосилаларнинг ўзига хослиги шундаки, биринчи таркибий қисм нафақат сифат, балки феъл ва отлар билан ҳам ифодаланади. Бу эса сифат ва унинг белгиларини бошқа сўз туркумлари орқали ифодалаш имкониятини билдиради. Масалан, 笑嘻嘻 (地) *xiaoxixi (de)* “табассум қилаётган”, 笑哈哈 (地) *xiaohaha (de)* “хохолаётган”, “кулги билан” (笑 *xiao* “кулмок”), 肉乎乎 (地) *rouhuhu (de)* “юмшоқ” (сийпалаганда) (肉 *rou* “гўшт”), 水泠泠 (地) *shuilingling (de)* “ич-ичигача хўл”, 水湾湾 (地) *shuiwanwan (de)* “бутунлай хўл” (水 *shui* “сув”), 毛扎扎 (地) *maozhazha (de)* “калин” (毛 *mao* “юнг”) ва ҳ.к.

Кучайтирма такрор комплекс табиатини тушунтириш анча мураккаб. Бу вазифада тилнинг ҳар хил унсурлари келиши мумкин. Афтидан, бундай комплекслар турли йўллар билан шаклланган.

Улар кўп ҳолларда қадимги ёки ҳозирги тилнинг сўзи ёхуд тегишли сўзнинг такрорланган шакли эканлиги диққатни ўзига қаратади.

Масалан, 黄烁烁 (地) *huangshuoshuo (de)* “олов ранг сарик”, “очик сарик”, “сап-сарик” ва 亮烁烁 (地) *liangshuoshuo (de)* “кўзни камаштирувчи”, “ёркин”да 烁烁 *shuoshuo* “ёркин”, “кўзни олувчи” маъносидаги қадимги сифат; 黑亮亮 (地) *heiliangliang (de)* “товланган қора” (黑郁郁 (地) *heiyuyu (de)*

⁴¹ 江蓝生. 白话话汇研究. 中华书局出版社, 1997 年. - 页 54.

“мутлақо қора”) ва 白亮亮 (地) *bailiangliang (de)* “кўзни олувчи оқ”даги 亮亮 *liangliang* – 亮 *liang* “очик” “ёркин” сифатидан ясалган такрор; 碍胖胖 (地) *airangpang (de)* “семиз ва паст”даги 胖胖 *pangpang* – 胖 *pang* “семиз” такроридан ясалган сифат; 白净净 (地) *baijingjing (de)* “мутлақо оқ”даги 净净 *jingjing* – 净 *jing* “тоза”, “саришта”, “тоза”дан ҳосил қилинган такрор.

Бундай тузилмалар хитой тилида истисно ҳодисалар эмас. Иккинчи қисмнинг биринчисига унинг тавсифи учун кўшимча воситаларсиз бирикиши айрим феъл ҳосилаларини, яъни натижали феъллар ва кўшимча қисмли феълларни эслатади (补语 *buYu*)⁴².

Тавсифланаётган ҳосилаларда иккинчи таркибий қисм сифатида айнан такрор комплекслардан фойдаланилади: бундай йўл билан нафақат таъсирчанликни кучайтириш, балки иккинчи қисмнинг биринчисига тобелиги англашилади. Иккита сифат бир шаклда ёнма-ён турган ҳолатида улар ўзаро тенг ва грамматик жихатдан мустақил ёки хитой тили қонунига кўра (аниқловчи аниқланмишдан олдин туради) биринчи сифат иккинчисига аниқловчи деб қаралиши керак эди. Бироқ ҳосилалар таҳлили бу қонидани инкор этади. Такрорланган шакл, одатда, такрорланмаган шаклдан фарқли тобе қисм сифатида қабул қилинади.

Кучайтирма таркибий қисм ўрнида сифатлардан ташқари такрорланган отлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Масалан: 直挑挑 (地) *zhitiaotiao (de)* “тўғри”, бу ерда 挑 *tiao* “шоҳ”, “бутоқ”. Отнинг сифат (ёки феъл) тавсифи вазифасини ўташи қадимги хитой тилида меъёр бўлган. Н.Н. Коротковнинг кўрсатишича, от редупликациясида диққат маркази предметдан унинг белгисига кўчиб ўтади⁴³, яъни от ўзаклар асосида сифатларнинг ҳосил бўлиш имконияти яратилади.

Масалан: 雁 *yan* “қоя”, “жарлик” сўзининг такрор комплекси 严 *yan* “кўпол” сўзига бирикиши орқали 严 雁 雁 *yanyan* “қаҳри қаттиқ” маънони ифодалайди; 油 *you* “мой” сўзининг такрор комплекси 深 *shen* “қуюқ”, “чуқур” сўзига бирикиши орқали 深 油 油 *shenyouyou (de)* “мойли”, “қуюқ”, “ёғли”, “кўпчиган” (кўкат ҳақида) маънони ифодалайди ва ҳ.к.

Кучайтирма комплекс вазифасида, шунингдек, такрорланган феъллар ҳам келиши мумкин: 血 玲 玲 (地) *xuelingling(de)* “қонга беланган” (玲 *ling* “томчиламоқ”), 亮 闪 闪 (地) *liangshanshan (de)* “равшан порламоқ”, (闪 *shan* “порламоқ”), 眼 智 智 (地) *yanzhizhi (de)* “кўзини олмасдан”, “тикилаётган” (智 *zhi* “тикилмоқ”), 直 谏 谏 (地) *zhidengdeng (de)* “тўғри” (谏 *deng* “кўзни чакчайтирмоқ”) каби. Ниҳоят, худди шу вазифада қадимги ва ҳозирги хитой тилида кенг тарқалган турли хил ономатопоэтик сўзлар ҳам ишлатилиши

⁴² 谏畅叙。词汇专题研究。北京语言大学出版社，2002。- 页 89-95.

⁴³ Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. - М., 1968. - С. 54.

мумкин: 笑嘻嘻 (地) *xiaoxixi (de)* “масхара билан”, 笑哈哈 (地) *xiaohaha (de)* “кулги билан”.

Материаллар тахлили кўриб чиқиладиган ҳосилаларни аниқланмиш ва уни тавсифловчи постпозитив таркибий қисмдан иборат сўз бирикмаларининг лексикализацияси деб ҳисоблашга имкон беради. Айнан лексикализация орқали муайян ҳолатда аниқланмиш (сифат) тавсифига мос келувчи янги таркибий қисмлар олинганда, такрорланган иккинчи таркибий қисмлар характерини изоҳлаш мумкин.

Аксарият ҳосилаларда такрор комплекс лексик маънога эга бўлмайди. Кўпинча у ҳар хил иероглифлар билан ёзилади. Белгилар бундай ҳолларда фақат интонацияни қайд қилиш учун қўлланилади. Айрим такрор комплекслар бир қатор сўзларда мунтазам такрорланиб, маълум даражада суффиксларни эслатади.

Масалан, 溜溜 *liuliu* (“жилдирамоқ” маъносини беради): 将溜溜 (地) *jiangliuliu de* “ўтқир”, 酸溜溜 (地) *suanliuliu de* “нордон”, 直溜溜 (地) *zhiliuliu de* “тўғри”, 稀溜溜 (地) *xiliuliu de* “ноёб”, 新溜溜 (地) *xinliuliu de* “янги”, 灰溜溜地 *huiliuliu de* “қайғули” ва ҳ.к.; 呼呼 *huhu* комплекси (шамол товушига тақлид): 热呼呼 *rehuhu* “қайноқ”, 暖呼呼 *nuanhuhu de* “илиқ”, 气呼呼 *qihuhu de* “ғазабли”, 软乎乎 (地) *ruanhuhu de* “юмшоқ”, 黑呼呼地 *heihuhu de* “ўчинкираган қора ранг” ва ҳ.к.; 啦啦 *lala* комплекси (сув томчисига тақлид): 热啦啦 *relala de* “қайноқ”, 黄啦啦 (地) *huanglala de* “сарик”, 稀啦啦 (地) *xilala de* “ноёб” ва ҳоказоларда учрайди. Кучайтирма комплекслар (масалан, 薄薄 *baobao* – 圆薄薄 *yuanbaobao* “дум-думалоқ” (кўзлар ҳақида)) фақат алоҳида ҳосилаларда кузатилади.

Мюллининг фикрича, бундай кучайтирма комплекс (Мюллида – “суффикс”) даставвал маънога эга бўлган ва ички шаклнинг тўла йўқолиши оқибатида бошқа сўзлар билан қўлланила бошлаган⁴⁴.

Ушбу турдаги ҳосилалар юзага келишининг бошқа йўлини ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Такрор комплекс дастлаб тавсиф сифатида маълум сўзларга бириккан редупликатив сифат бўлган. Сўнгра сўз бирикмаларининг лексикализацияси даражасига кўра секин-аста ўзининг муайян моддий маъносини йўқота борган. Шу билан бирга, баъзи ҳолларда, такрорлар анъана бўйича ўзи сақланиб келган ўша сўзгагина хос товуш такрорига (溜溜 *liuliu*, 呼呼 (地) *huhu*, 啦啦 *lala* каби) айланган. Натижада улар турли лексик-семантик гуруҳлар билан қўлланила бошлаган, яъни маълум даражада сўз ясовчи суффиксларга яқинлашган. Бундай асос учун қуйидаги икки далилни келтирамиз:

- ихтисослашув жараёни – лексик маъносини йўқотган мустақил сўзлар грамматикалашиш натижасида ҳосиланинг унсурига айланади ва унинг таркибида яхлит грамматик маъно касб этади;

⁴⁴ Muliie G. The structural principles of the Chinese language. - Peking, 1989. – P. 142.

- ўхшашлик қонунининг амал қилиши – тайёр шакллар асосида янгилари яратилган: луғавий маъносини йўқотган айрим такрор комплекслар ҳосилаларнинг таркибий қисмига айланади. Тилнинг бундай такрорланувчи унсурлари 拉拉 *lala*, 碌碌 *lulu*, 喃喃 *nannan*, 巴巴 *baba*, 糊糊 *huhu* каби такрорлардир.

Таҳлил қилинаётган ҳосилаларнинг сўз ёки сўз бирикмаси эканлиги ҳақидаги қарашлар изчил эмас.

Масалан, Ван Ли, Ли Цзиньси, Ван Фу Руан бундай ҳосилаларни сўз бирикмалари деб ҳисоблайдилар. Ван Лининг таъкидлашича, “такрорланган бўғинлар сўз (сифат)га ҳол сифатида бирикади”⁴⁵. Ли Цзиньси ҳам айнан шу фикрни билдиради⁴⁶. Ван Фу Руаннинг ёзишича, агар бу такрор мустақил қўлланишга эга бўлса⁴⁷ (бошқа ҳолларни у кўриб чиқмаган), у шу ҳолда биринчиси билан мувофиқлашади.

Иккинчи мавзу бўйича мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни ҳақида нималар биласиз? (Ёзма жавоб беринг)
2. Флектив, изолятив ва агглютинатив тил тушунчаларига изох беринг.
3. Редупликациянинг семантик хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

Махсус адабиёт ва манбалар руйҳати:

1. Гак В. Г. Языковые преобразования. – М.: Языки русской культуры, 1998.
2. Hashimova S. Reduplicative models of adjectives in Chinese, Uzbek and Russian languages // “The International Conference on Translation and Interdisciplinary studies” (“Таржимашунослик масалаларига бағишланган халқаро анжуман”) деб номланган Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. – Хитой Халқ Республикаси, Шанхай давлат коммуникация университети нашриёти, 2006.
3. Hashimova S. On semantics multiple impact in translation // “Таржимашунослик масалаларига бағишланган бешинчи Хитой анжумани” (中国第五届诗歌翻译年会) деб номланган Халқаро Илмий конференция материаллари тўплами. – Хитой Халқ Республикаси, Пекин техника университети нашриёти, 2006.
4. Хашимова С. Хитой тилида ААВ комплексли сифатларнинг морфологик хусусиятлари // Шарқшунослик. – Т., 2011. – №1.
5. Хашимова С. О некоторых особенностях удвоения в сфере языковой типологии // Востоковедение. – Т., 2011. – №1.

⁴⁵ 王李. “基础汉语语法”. 北京, 1992 年. - 页 48.

⁴⁶ 李更新. 精度篇. 北京语言学院出版社, 1991 年. - 页 71.

⁴⁷ 王赴阮. “动词重叠研究方法”. 北京, 2003 年. - 页 64.

Учинчи мавзу. Хитой тили сифатларда редупликация: структура ва семантика.

Дарсининг мақсади: хитой тилининг турли сўз туркумларида мавжуд бўлган редупликатив моделларнинг структур, семантик, мофологик ва синтактик хусусиятларини ўрганиш.

Турли сўз туркумларидаги редупликатив моделларни ўрганиш.

Таянч тушунчалар: морфема, бўғин, иероглиф, редупликация (тўлиқ, тўлиқсиз, қисман, диввергент), сўзнинг интенсив формаси, контекст, семантика, компонент, эквивалент, экспрессивизм, синоним, суффикс, аффикс, префикс, инфикс, риторика, элемент.

Хитой тилида ўзбек тили сингари сифатларнинг редупликацияси кенг қўлланилади. Редупликатив сифат, одатда, объектнинг маъно-моҳиятини, унинг хусусиятини кучайтиришга хизмат қилади: 短短 *duanduan* “қап-калта”, 厚厚 *hou-hou* “қалиндан-қалин”, 干干净净 *ganggan jingjing* “топ-тоза”.

Редупликатив сифат инкор шаклида ишлатилмайди. Бундан ташқари, ёрдамчи феъллар – 了 *le*, 过 *guo*, ҳамда суффикс 者 *zhe* билан ҳам қўлланила олмайди⁴⁸.

Редупликатив сифат гапда кесим, аниқловчи, ҳол вазифасида келиши мумкин⁴⁹:

他昨天还好好, 今天就病得这样子⁵⁰

Ta zuotian hai haohaode, jintian jiu bing de zhe yangzi

“Кеча у соппа-соғ эди, бугун эса касал бўлиб қолди”;

屋顶盖了厚厚的一层雪⁵¹

Wuding gai le houhou de yiceng xue

“Уйларнинг томлари қалин қор билан қопланган”;

现在让病人好好的睡觉⁵²

Xianzai rang bingren haohaode shuijiao

“Бемор тўйиб-тўйиб ухлаб олсин”.

Қуйида хитой тилида редупликатив сифатларнинг ҳосил бўлиш усуллари (редупликатив моделлари) ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Сифатларнинг ‘AA + 儿’ *er* редупликатив модели

⁴⁸黄菠菜。实用现代汉语语法。北京，1989年。- 页 78.

⁴⁹丁声树等。现代汉语语法讲话。商务印书馆，1961年。- 页 40.

⁵⁰故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 285.

⁵¹黄菠菜。实用现代汉语语法。北京，1989年。- 页 82.

⁵² Кўрсатилган асар. – Б. 82.

Сифатларнинг маълум қисми редупликациянинг ‘АА’ модели асосида такрорланади. Оғзаки нутқда редупликатив сифатнинг иккинчи бўғинига 儿 *er* қўшилиб келиши мумкин, бунда редупликатив сифатнинг бу бўғини биринчи оҳангга айланади ва у урғу остида келади. Масалан, 早早儿 *zǎo’ zǎor* “эртарок”, 慢慢儿 *màn’ mānr* “аста-секин”, 远远儿 *yuǎn’ yuānr* “узоқроқ”. Мазкур модель сўзнинг интенсив формасини яшаш учун хизмат қилади.

Расмий нутқ ёки адабий асарларда редупликатив сифатларнинг бўғини ўзгармайди ва 儿 *er* ҳам қўшилмайди.

‘АА’ моделидаги редупликатив сифатлар ҳол, тўлдирувчи вазифасида келиб, гапнинг оҳангини янада кучайтиришга хизмат қилади:

你行行好，再重重地给我一卷

Ni xingxing hao, zai zhongzhong de gei wo yi juan

“Бир савоб иш қилгин, менга қаттиқроқ бир сабоқ бергин”;

我要走得远远的⁵³

Wo yao zou de yuan yuan de

“Мен узоқ-узоқларга боришим керак”.

Аникловчи вазифасида эса оҳангни эмас, балки гапнинг маъносини кучайтиради (бу эса сифат маъно даражасини кучайтиришга олиб келади). Масалан:

弯弯的眉毛，大大的眼，红红的嘴唇像樱桃。⁵⁴

Wanwande meimao, dada de yan, honghong de zuichun xiang yingtao

“Қошлари қайрилмақош, кўзлари катта-катта, лаблари эса олчадек қип-қизил”.

Сифатларнинг ‘ААВВ’ редупликатив модели

Сифатларнинг маълум қисми ўзига хос икки хил редупликат шаклида қўлланилади. Биринчиси – тўлиқ ҳолда редупликат шаклига айланувчи сифатлар. Булар редупликациянинг ‘ААВВ’ модели асосида такрорланади. Масалан, 清清楚楚 *qingqing chuchu* “аниқ”, “равшан”, 干干净净 *gangan jingjing* “топ-тоза”. Ушбу модель асосида ясалган сифатлар сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

在节日的时候，他们的队伍最好看了，花花溜溜的⁵⁵

Zai liuxing de shihou, tamen de duiwu zui hao kan le, huahua liuliu de

“Байрамда уларнинг командаси турли-туман либосда энг чиройлиси эди”;

纸上写着密密麻麻的小字⁵⁶

Zhi shang xie zhe mimi mama de xiaozi

“Қоғозда иероглифлар жуда зич ва майда ёзилган”;

请，别这么婆婆妈妈的

Qing, bie zheme popo mama de

⁵³ 故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 128.

⁵⁴ 刘富华。形容词定语的分指分指与语序问题。语言教学与研究，1999年，第3期。- 页 211.

⁵⁵ 故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。- 页 123.

⁵⁶ 故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。- 页 124.

“Илтимос, бундай майдагап, майда-чуйдага аҳамият берадиган одам бўлманг”;

李先生看到他这么松松垮垮的样子，就特别生气了⁵⁷

Li xianshen kandao ta zheme songsong kuakua de yangzi, jiu tebie sheqi le

“Ли жаноб унинг бу қадар лоқайд, ҳамма нарсага бефарқ бўлган муносабатини кўриб жуда жаҳли чиқди”.

Оғзаки нутқда ушбу сифатларнинг иккинчи бўғини енгил оҳангда, учинчи бўғини биринчи оҳангда ўқилади, тўртинчи бўғин ҳам биринчи оҳангда ўқилиб 儿 *er* қўшилиб келиши мумкин. Масалан, 漂漂亮亮 *piàopiào liangliangr* “гўзал”, 明明白白 *míngmíng báibái* “аниқ”.

Бундай сифатлар хол, тўлдирувчи вазифасида келиб, гапнинг оҳангини янада кучайтиришга хизмат қилади:

小喜亲亲热热地问长问短⁵⁸

Xiaoxi qinqin rere de wen chang wen duan

“Сиао Си илиқлик билан у ёқ-бу ёқдан сўради”;

你看这是白纸黑字写得清清楚楚地⁵⁹

Ni kan zhe shi bai zhi hei zi xie de qingqing chuchu de

“Мана бу қоғозга қаранг-а, ҳуснихат нақадар аниқ”.

Аниқловчи вазифасида келиб, гапнинг оҳангини эмас, балки таъриф мазмунини кучайтиради:

他家来了一个斯斯文文的姑娘

Ta jia lai le yi ge sisi wenwen de guniang

“Унинг уйига бир одобли, хушмуомалали қиз келди”;

他那仆仆细细的衣服，实实在在的态度，大大方方的举上 给人留下了很好的印象了⁶⁰

Ta na pupu xixi de yifu, shishi zaizai de taidu, dada fangfang de jushang gei ren liu xia le han hao de yinxiangle

“У ўзининг одми кийими, самимий одоб, сипо юриш-туриши билан одамларда яхши таассурот қолдирди”;

你这种拖拖拉拉的作风必须改变

Ni zhe zhong tuotuo lala de zuofeng bixu gaibian!

“Сиз эс-ҳушингизни йиғиб, майдагап бўлмасдан ўзгаришингиз керак!”⁶¹;

迷迷茫茫的云霄⁶²

Mimi mangmang de yunxiao

“Қуюқ туман билан қопланган осмон шафағи”.

Кесим вазифасида қўлланилганида ҳам таъриф мазмунини янада равшанлантиради:

⁵⁷丁声树等。现代汉语语法讲话。北京：商务印书馆，1961年。-页 81.

⁵⁸故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。-页 127.

⁵⁹丁声树等。现代汉语语法讲话。北京：商务印书馆，1961年。-页 85.

⁶⁰故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。-页 135

⁶¹ Li Dejin, Cheng Meizhen. A Practical Chinese Grammar.- Beijing: Sinolingua, 2003. – P. 129.

⁶²刘富华。形容词定语的分指分指与语序问题。语言教学与研究，1999年，第3期。- 页 26.

家里干干净净, (...)

Jia li gangan jingjing de, (...)

“Уй ичи топ-тоза, (...)”;

这个姑娘大大方方, 一点也不扭捏⁶³

Zhe ge guniang dada fangfang, yi dian ye bu niunie

“Бу киз жуда самимий, очиккина, кўнглида кири йўқ”.

Шу билан бирга шундай сифатлар ҳам борки, уларнинг асл тузилиши ‘AABB’ моделига эга ва туб сўз ҳисобланади: 病病歪歪 *bingbingwaiwai* “касалманд”, 大大咧咧 *dadalielie* “каттик кулмоқ”⁶⁴.

Сифатларнинг ‘A 里 AB’ редупликатив модели

Сифатларнинг яна бир редупликатив шакли ‘A 里 AB’ моделига эга бўлиб, бу типдаги редупликация “тўлиқсиз” деб номланади. Бунда сўз бўғинларининг оҳанги ўзгармайди, биринчи бўғин урғу остида, иккинчи бўғиннинг ўрнида енгил оҳангда ўқилувчи 里 *li* келади, учинчи ва тўртинчи бўғинлар ўз оҳангларида ўқилади. Баъзи ҳолларда тўртинчи бўғин ҳам урғу остида келиши мумкин, бу ҳолда гапнинг оҳанги янада кучаяди⁶⁵. Буларга мисол тариқасида куйидагиларни келтириш мумкин: 糊里糊涂 *hulihutu* “бемаъни”, “ақлсиз”, 傻里傻气 *shalishaqi* “онгсиз”, 拉里拉杂 *lalilaza* “сергап”, 马里马虎 *malimahu* “масъулиятсиз” ва бошқалар. Ушбу модель сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади:

您不应该说这样的糊里糊涂的话⁶⁶

Ni bu yinggai shuo zhe yangde hulihutu de hua

“Сиз бундай бемаъни гапларни гапирмаслигингиз керак”.

Тўлиқсиз редупликатив шаклдаги сифатлар мазмун-моҳиятига кўра “бепарволик”, “писанд қилмаслик”, шунингдек, “жирканиш” маъноларига ҳам эга бўлиб, салбий характер-хусусият ёки ҳолатни англатади.

Сифатларнинг ‘ABAB’ редупликатив модели

Баъзи сифатлар ‘ABAB’ модели асосида такрорланади. Масалан, 滚圆滚圆 *gunyuan gunyuan* “юм-юмалок”, 雪白雪白 *xuebai xuebai* “оппоқ”, 冰冷冰冷 *bingleng bingleng* “муздек совуқ”. Бу моделдаги сифатлар коннотатив маънога эга бўлиб, одатда, гапнинг маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Ушбу модель ҳам сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади:

天上互蓝互蓝的⁶⁷

Tian shang hulan hulan de

“Осмон тўқ кўм-кўк рангда”;

天上有明亮明亮的星星⁶⁸

⁶³刘富华。形容词定语的分指分指与语序问题。语言教学与研究, 1999 年, 第 3 期。- 页 33.

⁶⁴故播刘。实用现代汉语语法。北京, 2003 年。- 页 129.

⁶⁵李海。形容词与否定副词“不”组合的意义, 句法制约。南京师范大学出版社, 1991 年, 第 2 期。- 页 204.

⁶⁶故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京, 2003 年。- 页 112.

⁶⁷柴世霖。试论汉语双音动词重叠形式的问题。河北大学学报, 1980 年低期。- 页 203.

Tian shang you mingliang mingliang de xingxing

“Осмон тўла чарақлаган юлдуз”;

这头小猪长得滚圆滚圆的⁶⁹

Zhe tou xiao zhu zhang de gunyuan gunyuan de

“Бу чўчкача семиз, юм-юмалок бўлиб ўсибди”;

他焦黄焦黄的长脸上布满了皱纹⁷⁰

Ta jiaohuang jiaohuang de chang lian shang bu man le zhouwen

“Унинг тўқ бўғдой рангли юзи тўла ажин эди”.

Сифатларнинг ‘AABBCC’ редупликатив модели

Баъзан сифатларнинг ‘AABBCC’ модели асосидаги такрори учрайди.

Масалан:

小河两岸，长满了一行行密密实实的低矮柳⁷¹

Xiao he liang an, zhang man le xingxing mimi shishi de di ailiu

“Ариқнинг икки қирғоғини пастаккина сирли мажнунтоллар қоплаб ётарди”;

他猛猛烈列然然的人⁷²

Ta mengmeng lielie ranran de ren

“У – иродали одам”.

Редупликациянинг бу конструкцияси маҳсулдор эмас.

Шуни қайд этиш керакки, сифатларнинг ҳаммаси ҳам редупликат шаклида кела олмайди. Редупликатив сифатларнинг аксарияти кундалик лексикадан иборат.

Редупликатив шаклда қўлланмайдиган сифатлар ҳам кам эмас, буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: 伟大 *weida* “улуғ”, 光敏 *guangmin* “ёруғ”, 幸福 *xingfu* “бахтли”, 假 *jia* “ёлғон”, 美丽 *meili* “чиройли”, 英民 *yingmin* “доно”, 熟悉 *shuxi* “таниш”, 困难 *kunnan* қийин”, 悲 *bei* “ғамгин”, 疯 *feng* “телбали”, 艰巨 *jianju* “машшақатли”, 贼 *zei* “муғомбир” ва бошқалар⁷³.

Бу сифатларнинг редупликатив шаклда қўлланила олмаслигининг асосий сабаби, бизнинг фикримизча, уларнинг туб маъносининг ўзи кучайтирилган ҳолда, бошқа хил кучайтиришнинг зарурияти йўқлигидадир. Масалан, 疯 *feng* “телбали” сўзини редупликатив ҳолда, яъни 疯疯 *fengfeng* шаклида қўллаганда, сўзнинг “жуда телбали” маъноси англашилса ҳам, тилнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, семантика нуқтаи назаридан сўзнинг бу шаклда қўлланилиши нотўғри ҳисобланади.

Синоним сифатларнинг қиёсий редупликатив жадваллари. Хитой тилида синоним сифатлар кенг қўлланилади. Лекин бир бўғинли ва икки бўғинли синоним сифатларнинг ҳаммаси ҳам такрорланган ҳолда қўлланила

⁶⁸交际汉语。华语教学出版社，2001年。- 页 37.

⁶⁹柴世霖。试论汉语双音动词重叠形式的问题。河北大学学报，1980年低期。- 页 205.

⁷⁰故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。- 页 115.

⁷¹刘元满。“太 + 形/态”与“了”。语言教学出版社，1999 第 1 期。- 页 5.

⁷²故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 130.

⁷³故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 130.

олмайди. Қуйида синоним сифатларнинг қиёсий редупликатив жадваллари келтирилган.

Учинчи мавзу бўйича мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Хитой тили сифатларнинг қандай редупликатив моделлари мавжуд? Улар ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.
2. Редупликатив сифатларнинг синтактик функциялари ҳақида маълумот беринг. Мисоллар келтиринг.
3. Нима учун баъзи сифатлар редупликатив формага эга эмас?

Махсус адабиёт ва манбалар руйхати:

1. Packard J.L. The morphology of chinese: a linguistic and cognitive approach. Foreign language teaching and research press. Cambridge university, 2011.
2. Хашимова С. Хитой тилида сифатларнинг редупликацияси // Шарқшунослик. – Т., 2004. – № 3.
3. Hashimova S. Reduplication of Chinese adjectives // “The Fourth International Forum of Translation and Interdisciplinary studies” (“Таржимашунослик масалаларига бағишланган халқаро анжуман”) деб номланган IV Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. – Хитой Халқ Республикаси, Пекин давлат Чинхуа университети нашриёти, 2004.
4. Hashimova S. Reduplicative models of adjectives in Chinese, Uzbek an Russian languages // “The International Conference on Translation and Interdisciplinary studies” (“Таржимашунослик масалаларига бағишланган халқаро анжуман”) деб номланган Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. – Хитой Халқ Республикаси, Шанхай давлат коммуникация университети нашриёти, 2006.
5. Хашимова С. Хитой тили предикатив сўз туркумларида редупликация // “Шарқшуносликнинг долзарб масалалари” анъанавий илмий-педагогик конференцияси материаллари. – Т., 2008.
6. 故播刘。实用现代汉语语法。- 北京，2003 年.

Тўртинчи мавзу. Хитой тили феълларда редупликация: структура ва семантика

Дарснинг мақсади: хитой тили феълларида мавжуд бўлган редупликатив моделларнинг структур, семантик, мофологик ва синтактик хусусиятларини ўрганиш.

Таянч тушунчалар: редупликация (тўлик, тўлиқсиз, қисман, диввергент), категория, бўғин, семантика, компонент, эквивалент, экспрессивизм, синоним, суффикс, форма.

Хитой тилида феъл такрорланиб келиши мумкин: редупликатив феъл аниқ бир маънони билдиради.

Бир бўғинли феълларнинг ‘АА’ редупликатив модели

Хитой тилида бир бўғинли феъллар асосан редупликациянинг ‘АА’ моделида такрорланади.

Бир бўғинли феъл такрорланиб келганда, унинг иккинчи (яъни иккиланиб келадиган) компоненти енгил оҳангда ўқилади. Масалан, 看 *kàn* “қарамоқ” - 看看 *kànkān* “қараб кўрмоқ”, 听 *tīng* “эшитмоқ” - 听听 *tīngtīng* “эшитиб кўрмоқ”, 想 *xiǎng* “ўйламоқ” - 想想 *xiǎngxiang* “ўйлаб кўрмоқ”. Агар феъл учинчи оҳангга эга бўлса, унда у такрорланиб келганда унинг биринчи бўғини, одатда, иккинчи оҳангга айланади. Масалан; 讲 *jiǎng* “тапирмоқ” – 讲讲 *jiǎng·jiang* “тапириб бермоқ”⁷⁴.

Бир бўғинли феълларнинг ‘А – А’ редупликатив модели

Бир бўғинли феълларнинг редупликатив шаклида кўп ҳолларда уларнинг компонентлари орасида, ҳаракатнинг қисқа муддат ичида рўй бераётганини кўрсатувчи 一 *yī* морфемаси қўлланилади. Масалан, 看一看 *kān yī kān* “қараб кўрмоқ”, 想一想 *xiang yī xiang* “ўйлаб кўрмоқ”, 听一听 *tīng yī tīng* “тинглаб кўрмоқ”. Феълнинг ушбу редупликатив модели ‘А – А’ кўринишига эга ва ‘АА’ редупликатив моделнинг синоними ҳисобланади. Ушбу модель сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

你可以用一用这支圆珠笔⁷⁵

Ni keyi yong yī yong zhe zhi yuanzhubi

“Сен бу ручкани ишлатиб кўришинг мумкин”;

你听一听，他说得对不对？⁷⁶

Ni tīng yī tīng, ta shuo de dui bu dui?

“Эшитиб кўринг-чи, унинг сўзлаётган гапи тўғрими?”

⁷⁴王赴阮. “动词重叠研究方法”, 2003 年. - 页 10.

⁷⁵李稿. 现代汉语动词研究. - 北京, 2004 年. - 页 71.

⁷⁶李稿. 现代汉语动词研究. 北京. 1956 年. - 页 74.

Хитой тилида деярли барча бир бўғинли феъллар редупликациянинг ‘АА’ ва ‘А — А’ модели асосидаги кўринишга эга.

Редупликатив феъллар ҳаракатнинг ўтган замонда содир бўлганлигини ифодаловчи 了 *le* суффикси билан бирга қўлланилганда, 了 *le* суффикси редупликатив феълнинг биринчи компонентидан сўнг қўйилади, яъни ‘А 了 А’: 看了看 *kan le kan* “қараб кўрмоқ”. Феълнинг биринчи компонентидан кейин феълларга хос суффиксларнинг қўйилиши феъл ва ҳисоб сўзининг биргаликда қўлланилиши билан боғлиқ.

Ўрта аср хитой тилида редупликатив феълнинг иккинчи компонентидан олдин сон сўз туркумига оид сўзлар қўлланилган, масалан:

丽小姐点了几点头, 笑了笑与说 ...⁷⁷

Li xiaojie dian le ji dian tou, xiao le xiao yu shuo...

“Ли хоним бошини бир неча марта эгиб кулди-да, деди...”.

Ҳозирги замон ёзувчилари феъл такрорида бугунги кунда ҳам сонлардан фойдаланадилар. Ли Гао “现代汉语动词研究” *Xiandai hanyu dongci yanjiu* (“Ҳозирги хитой тилида феъллар таҳлили”) китобида “феъллар такрорида феълнинг ‘ — ’ *yi* сони билан бирга қўлланилиши ҳаракатнинг бир марталигини ифодалайди”⁷⁸, деб ёзади. Бироқ ҳозирги хитой тилида ‘ — ’ *yi* сонининг феъллар такрорида қўлланилиши ҳаракатнинг бир маротаба содир бўлганлигини билдирмай, балки унинг қисқалигини ифодалаб келади. Масалан, 看一看 *kan yi kan* ўрта аср хитой тилида “бир марта қараб кўрмоқ (қараб кўймоқ)”ликни, 摸一摸 *mo yi mo* “бир марта силаб кўрмоқлик”ни билдирган бўлса, ҳозирги хитой тилида “қараб кўрмоқ”, “силаб кўрмоқ”, яъни ҳаракатнинг оҳиста кўринишга эга эканлигини билдиради⁷⁹.

Бир бўғинли феълларнинг ‘А 来 А 去’ (*Alai Aqu*) редупликатив модели

Бир бўғинли феъл йўналишни билдирувчи қўшимча сўзлар (мазкур моделдаги 来 *lai* сўзининг маъноси “келмоқ”, 去 *qu* сўзининг маъноси “бормоқ”) билан бирга қўлланилган ҳолда такрорлана олади. Бунда мазкур модель бўйича ҳосил бўлган бирлик хатти-ҳаракатни такрорланган ҳолда, бир мунча узоқ муддат ичида содир бўлаётганлигини билдиради:

在书店里, 我来看去看, 只卖了这么一本书⁸⁰

Zai shudian li, wo kanlai kanqu, zhi mai le zheme yi ben shu

“Китоб магазинида айланиб юриб фақат шу китобни сотиб олдим”;

我想来想去, 终于想好了一个好办法⁸¹

Wo xianglai xiangqu, zhongyu xiang hao le yige hao banfa

“Мен ўйлаб-ўйлаб яхши усул топдим”.

⁷⁷冒秀尊. 动词重叠的语法性质语法意义. 语文研究, 1998 年, 第 2 期. - 页 112.

⁷⁸李稿. 现代汉语动词研究. 北京. 1956 年. - 页 89.

⁷⁹冒秀尊. 动词重叠的语法性质语法意义. 语文研究, 1998 年, 第 2 期. - 页 56.

⁸⁰李稿. 现代汉语动词研究. 北京. 1956 年. - 页 93.

⁸¹冒秀尊. 动词重叠的语法性质语法意义. 语文研究, 1998 年, 第 2 期. - 页 58.

Мазкур моделдаги сўз ўзбек тилига таржима қилинаётганида хитой тилидаги 来 *lai* кўп ҳолларда ўзбек тилидаги -дан аффиксига, 去 *qu* сўзи эса -га аффиксига тўғри келади:

在公园里我看见蝴蝶在花中飞来飞去，孩子们在旁边跑来跑去⁸²

Zai gongyuan li wo kanjian hudie zai hua zhong feilai feiqu, haizimen zai pangbian paolai paoqu

“Боғда капалакларнинг гулдан-гулга учиб-қўнганини, болаларнинг эса у ёқдан-бу ёққа югуриб юрганини кўрдим”;

他焦急地在房间里走来走去，不知道怎么办才好⁸³

Ta jiaoji de zai fangjian li zoulai zouqu, bu zhidao zenmeban cai hao

“У хавотирланиб “қандоқ қилсам яхшироқ бўлади” деб ўйлаб, хонада ёқдан-бу ёққа ҳадеб юраверди”.

Феълдан кейин 过来 *guolai* ёки 过去 *guoqu* ҳам қўйилиши мумкин, яъни ‘А 过来 А 过去’⁸⁴, масалан:

夜已经很深了，还有人在我窗前走过来走过去，害得我睡不着觉⁸⁵

Ye yijing han shen le, hai you ren zai wode chuanqian zouguolai zouguoqu, haide wo shui bu zhao jue

“Ярим кечада деразамнинг тагида бир одам у ёқдан-бу ёққа юраверди, юраверди, мен кўрққанимдан ухлай олмадим”;

这件事他说过来说过去不知说了多少遍了⁸⁶

Zhe jian shi ta shuogolai shuoguoqu bu zhi shuo le duoshao bianle

“Бу масала ҳақида у гапираверди, гапираверди, неча марта қайтарганини ҳам билмайман”.

Профессор Луй Шу-ся “中国文法研究” *Zhongguo wenfa yanjiu* (“Хитой ёзуви”) китобида 想来想去 *xianglai xiangqu*, 跑来跑去 *paolai paoqu* каби мисоллар асосида хитой тилида редупликациянинг ‘А 来 А 去’⁸⁷ кўриниши ҳақида маълумот беради. Унинг ёзишича, маълум бир феъл такрорида 来 *lai* ва 去 *qu* ҳаракат йўналишини белгиловчи феъллар қўлланилиши мумкин. С.Е. Яхонтов эса “Категория глагола в китайском языке” монографиясида феълнинг мазкур кўринишини феъл редупликацияси эмас, балки “феъл бирикмаси”⁸⁸ деб тушунади. Бизнинг фикримизча, бу феъл редупликацияси моделларидан биридир. Бунда ‘А’ ўрнида бир хил феъллар қўлланилади: 说来说去 *shuolai shuoqu*, 跑来跑去 *paolai paoqu*.

⁸² 故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 166.

⁸³ 李稿。现代汉语动词研究。北京。1956年。- 页 95.

⁸⁴ 黄菠菜。实用现代汉语语法。北京，1989年。- 页 167.

⁸⁵ 故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 167.

⁸⁶ 李稿。现代汉语动词研究。北京。1956年。- 页 96.

⁸⁷ 刘舒伞。中国文法研究。北京。1957年。- 页 35-36.

⁸⁸ Яхонтов С.Е. Категория глагола в китайском языке. - Л., 1957. - С. 183.

С.Е. Яхонтов фикрига зид равишда айтиш мумкинки, феълларнинг такрори нафақат ҳаракат қисқалигини, балки ҳаракатнинг бир оз узоқ муддат ичида содир бўлганлигини ҳам ифодалаш мумкин (редупликациянинг ‘А 来 А 去’ ‘*Alai Aqu*’ конструкцияси асосида).

А.А. Драгунов феъл такрори икки хил маъно бериши мумкинлигини таъкидлайди⁸⁹: а) ҳаракатнинг кучайиши ва б) ҳаракатнинг сусайиши. С.Е. Яхонтов эса феъл такрори ҳаракатнинг фақат сусайишини билдиради, деб ҳисоблайди. Феъл такрорида ҳаракатнинг кучайиши феъллар билан бирга қўлланилаётган сифат ва равишлар орқали ифодаланади:

请您好好的想想，然后给我答案

Qing nin hao hao de xiangxiang, ranhou gei wo daan

“Илтимос, яхшироқ ўйлаб кўринг-да, сўнгра жавобини менга айтинг”.

Бизнинг фикримизча, феълларнинг ‘А 来 А 去’ редупликатив модели ҳаракатнинг кучайишини, узоқ муддат ичида содир бўлганлигини билдириши мумкин:

她想来想去想不到结论

Ta xianglai xiangqu xiang bu dao jielun

“У ўйлаб-ўйлаб бир тўхтамга кела олмади”.

С.Е. Яхонтов фикрига кўра, феъл такрори ҳаракатнинг такрор ҳолда содир бўлаётганлигини билдира олмайди. “Феълларнинг такрори ҳаракатнинг фақат қисқа муддат ичида содир бўлаётганлигини билдиради”⁹⁰, дейди у. Ваҳоланки, феълларнинг ‘А 来 А 去’ редупликатив моделида ҳаракат такрор ҳолда содир бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Бир бўғинли феълларнинг ‘东 А 西 А’ (‘*dong A xi A*’) редупликатив модели

Хитой тилидаги феълларнинг мазкур модели ҳаракатни такрор ҳолда содир бўлаётганлигини билдириш учун хизмат қилади⁹¹. Ушбу редупликатив модель асосан хитой тилининг оғзаки нутқига хос бўлиб, қўлланилиш доираси нисбатан торроқ. Масалан, 东找, 西找 *dong zhao, xi zhao* (“ғарбдан қидирмоқ, шарқдан қидирмоқ”), яъни “бу ерда қидирмоқ, у ерда қидирмоқ” (“ҳамма жойда қидирмоқ”). Бир бўғинли феълларнинг ‘东 А 西 А’ (东 *dong* “ғарб”, 西 *xi* “шарқ”) редупликатив моделидаги 东 *dong* сўзи ўзбек тилига “бу”, 西 *xi* сўзи “у” деб таржима қилинади:

我们找他半天，东找，西找，从什么地方也找不到

Women zhao ta ban tian, dong zhao, xi zhao, cong shenme difang ye zhaobudao

“Биз уни ярим кун қидирдик, у ерни қидирдик, бу ерни қидирдик, ҳеч қаердан тополмадик”.

Бир бўғинли феълларнинг ‘А 巴 А 巴’ (‘*A ba A ba*’) редупликатив модели

⁸⁹ Драгунов А.А. Грамматическая система современного китайского языка. - Л., 1962. - С. 156.

⁹⁰ Яхонтов С.Е. Категория глагола в китайском языке. - Л., 1957. - С. 184.

⁹¹ Ding Shenshu. Xiandai hanyu yufa jianghua. - Beijing, 1979. - 180 ye.

Феълларнинг мазкур редупликатив модели хитой тилида кенг тарқалган бўлиб, асосан хитой тили оғзаки нутқида қўлланилади:

等到老太太来到，李小姐才把她劝巴劝巴到屋里去等汽车⁹²

Deng dao lao taitai lai dao, Li xiaojie cai ba ta quanba quanba dao wu li qu deng qiche

“Хонимни кутиб олгач, Ли хоним уни машинани уйда кутишга бир неча бор кўндирди”;

他也只好拿出笑脸来: “不怕，咱们把东西卖巴卖巴，租一个小屋，再想办法”⁹³

Ta ye zhihao na chu xiao lian lai: “Bu pa, zamen ba dongxi maiba maiba, zu yige xiaowu, zai xiang banfa

“У кулиб деди: “Қўрқма, биз нарсаларни сотиб оламиз-да, кичкинагина уйни ижарага олиб, сўнгра бирон чора топамиз”.

Феълларнинг мазкур модели оҳангни юмшатиш учун хизмат қилади. Юмшатиш оҳанги ёрдамчи сўз вазифасида келувчи 巴 *ba* оркали ифодаланади. Бундай редупликатив моделга эга феъллар кўп эмас.

Тўртинчи мавзу буйича мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Хитой тили феълларнинг қандай редупликатив моделлари мавжуд? Улар ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.

2. Редупликатив феълларнинг синтактик функциялари ҳақида маълумот беринг. Мисоллар келтиринг.

3. Қайси ҳолларда феъллар редупликатив формага эга бўлмайди?

4. Редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

Махсус адабиёт ва манбалар руйхати:

1. Гинзбург Е.Л. Словообразование и синтаксис. – М.: Наука, 1979.

2. Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984.

3. Хашимова С. Хитой тили феълларида редупликатив моделлар // “Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари” илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2005.

4. Хитой тили предикатив сўз туркумларида редупликация // “Шарқшуносликнинг долзарб масалалари” анъанавий илмий-педагогик конференцияси материаллари. – Т., 2008.

5. Хашимова С. Методы преподавания теоретической грамматики: теория и практика // Профессор-ўқитувчилар конференцияси журнали. – Т., 2011.

6. Хашимова С. Хитой тилида феълнинг морфологик хусусиятлари //

⁹²李稿。现代汉语动词研究。北京。1956年。- 页 111.

⁹³实话实说。商务印书馆，2001年。- 页 85.

“Ёш филолог” илмий тўплам. – Т., 2011.

7. Хашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т.: Jahon Press, 2012.

8. 王赴阮. “动词重叠研究方法”. 北京, 2003.

9. 冒秀尊. 动词重叠的语法性质语法意义. 北京: 语文研究, 1998 年. – 第 2 期.

Бешинчи мавзу. Хитой тили исмий сўз туркумларида редупликация

Дарснинг мақсади: отларда мавжуд бўлган редупликатив моделларнинг структур, семантик, мофологик ва синтактик хусусиятларини ўрганиш.

Таянч тушунчалар: от, атама, редупликация (тўлик, тўлиқсиз, қисман, диввергент), категория, бўғин, семантика, компонент, эквивалент, экспрессивизм, синоним.

Отларда редупликация. Хитой тилидаги от сўз туркумига оид сўзларда редупликациянинг ‘АА’, ‘ААВВ’, ‘ААВ’ моделлари мавжуд.

Отларнинг ‘АА’ редупликатив модели

Мазкур модель асосан қариндошчилик атамаларини ифодалувчи сўзларга хос: 爸爸 *baba* “ота”, 妈妈 *mama* “она”, 姐姐 *jiējie* “опа”, 妹妹 *mèimei* “сингил”, 公公 *gōnggōng* “қайнота”, 婆婆 *pópo* “қайнона”, 伯伯 *bóbo* “амаки” (отанинг акаси), 叔叔 *shùshu* “амаки” (отанинг укаси), 爷爷 *yéye* “опоки”, 奶奶 *nǎinai* “буви” ва бошқалар.

Бир бўғинли отларнинг аксарияти редупликациянинг ‘АА’ моделига эга. Бундай отларнинг кўпи ҳисоб сўзи вазифасида қўлланилади ва “ҳар”, “ҳар бир” маъносини беради: 天天 *tiāntiān* “ҳар куни”, 日日 *rìrì* “ҳар куни”, 月月 *yuēyuē* “ҳар ой”, 年年 *niánnián* “ҳар йил”, 队队 *duìduì* “ҳар бир команда”, 区区 *qūqū* “ҳар бир район”, 国国 *guóguó* “ҳар бир давлат”. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

人人都应该保护自然环境

Renren dou yīnggāi bǎohu zìrán huánjīng

“Ҳар бир одам атроф-муҳитни ҳимоя қилиши зарур”;

你一个人要事事小心

Nǐ yì ge rén yào shìshì xiǎoxīn

“Сиз ҳар бир ишда эҳтиёт бўлишингиз керак”.

Отларнинг ‘ААВВ’ редупликатив модели

Мазкур модель бўйича ясалган сўзлар кўплик маъносини ифодалаб, мазмунни умумлаштиришга хизмат қилади: 山山水水 *shānshān shuǐshuǐ* “тоғ ва

дарёлар”, 风风雨雨 *fengfeng yuyu* “шамол ва ёмғирлар”, 家家户户 *jiajia huhu* “ҳар бир оила”, “ҳар бир уй”, 祖祖辈辈 *zuzu beibei* “аждодлар”.

他时时刻刻不忘自己的责任

Ta shishi keke bu wangji ziji de ziren

“У ҳеч қачон ўз маъсулиятини эсдан чиқармайди”;

家家户户都帮助他恢复家屋⁹⁴

Jiajia huhu dou bangzhu ta huifu jiawu

“Ҳар бир оила унга уйини тиклаб олишига ёрдам берди”⁹⁵.

Отларнинг ‘ААВ’ редупликатив модели

Бу модель хитой тили Пекин диалектининг оғзаки нутқида хос. Масалан: 毛毛虫 *maomaochong* “кўсак курт”, 毛毛雨 *maomaoyu* “қиров”, 窝窝头 *wowotou* “бўғирсоқ” (зоғора унидан бугда пиширилган нон) ва бошқалар. Ушбу модель янги сўз ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Хитой тилида отларда редупликация кам учрайди. Бу ходиса, асосан, боланинг оғзаки тилига, шунингдек, нутқнинг эмоционаллигини кўрсатиш учун қўлланилади. Бунда редупликатив от бирламчи отнинг маъноси ва функциясига эга бўлади. Масалан: хитой тилидаги 饼 *bing* “бисквит”, “кекс” сўзи боланинг оғзаки нутқида 饼 饼 *bing bing* кўринишига эга.

Таклид сўзларда редупликация

Хитой тилида бир бўғинли таклид сўзларнинг редупликатив кўриниши асосан редупликациянинг ‘АА’ моделига таянган ҳолда ҳосил бўлади: 砰砰 *peng peng* (“карс-курс”, “дак-дук”, “тақ-тук”) – бир предмет иккинчисига урилганда чиқадиган товуш; 轰隆 *hong-long* (“шовқин”, “шарақ-шурук”) – оғир артиллерия қуролларининг товушларини ифодаловчи сўз; 丁冬 *dingdong* – тепадан пастга оқаётган сувни жимирлаш товушини ифодаловчи сўз; 哗哗 *hua hua* – оқаётган дарё сувининг товуши; 滴达滴达 *dida dida*, 滴滴达达 *didi dada* – карнай овози; 哗啦哗啦 *huala huala* – ёмғир товуши⁹⁶ каби сўзлар ва бошқалар.

Хитой тилида таклид сўзлар, асосан, редупликациянинг ‘АА’ модели асосида қўлланилади:

一下，两下，三下，五下，十下。。。打得山崖上的吐哗哗往下落

Yi xia, liang xia, san xia, wu xia, shi xia... da de shanya shangde tu huahua wang xia luo

“Бир марта, икки марта, уч, беш, ўн марта... тоғ қоясидаги тупроқ шув-шув этиб тўкилмоқда”;

春雨刷刷的下着

Chunyu shuashuade xiazhe

“Баҳор ёмғири шариллаб ёғмоқда”;

⁹⁴ 故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 91.

⁹⁵ Zhang Jin. Xiandai hanyu.- Shanghai, 1984. - 页 115.

⁹⁶ 谏畅叙。词汇专题研究。北京语言大学出版社，2002。- 页 256.

这是老李一个手榴弹扔了过去, “轰! 轰!” 一声, 机枪顿时哑了⁹⁷

Zhe shi lao li yige shou liudan reng le guo qu, “Hong! Hong!” yisheng, jiqiang dunshi ya le

“Шу пайт Ли қўл гранатани отиб юборди, портлаган гранатанинг “Панг! Панг!” деган овози эшитилди-ю, шу заҳотиёқ пулемёт товуши сўниб қолди”.

Таклид сўзларнинг ҳаммаси ҳам воқеа-ходисалар, нарсалар томонидан вужудга келган товушларни ифодаламайди. Баъзи ҳолларда бу сўзлар рўй бераётган нарса-ходисага маълум бир бўёқ бериш учун қўлланилади:

他的脸刷地红了

Ta de lian shuade hong le

“Унинг юзи қизариб кетди”.

Мазкур гапдаги 刷 *shua* сўзи хатти-ҳаракатни ва ҳолатни тез рўй берганини ифодалаб келади, яъни юзни “дув этиб” (тез ҳолда) қизариб кетганлигини билдиради⁹⁸.

Баъзи таклид сўзлар редупликациянинг ‘ABBB’(哗啦啦啦 *hualalala* “шир-шир”, 嘻哈哈 *xihahaha* “хохолаб кулмоқ”), ‘AA 里(li)В’, (呼’呼喂 *hulihuwei* “оҳ-воҳ қилмоқ”, 骨里骨咚 *guliguwei* “дўмбир-дўмбир” овози) моделлари асосида такрорланади. Бироқ улар асосан хитой тилининг оғзаки нутқиға хос бўлиб, адабий тилда кам учрайди.

Хитой тилида редупликатив таклид сўзлар аниқ ва ноаниқ гуруҳга бўлинади:

1. Аниқ (шаклланган, яъни маълум ҳолларда қўлланиладиган) таклид сўзлар.

Буларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

哗啷哗啷 *hualang hualang* “чарс-чурс” (синаётган идиш товуши), 咪咪 *mimi* “миёв-миёв” (миёвлаш), 呱呱 *guagua* “қур-қур” (қурбақа овози) кабилар.

Аниқ, маълум товушга таклид сўзларнинг кўпи қадим замонлардан қўлланилиб келинган, улар асосан сўз бўғинининг такрорланиши орқали вужудга келади⁹⁹.

Масалан, 潺潺 *chanchan* сўзи тоғ дарёсининг ёки сув булоғининг жимирлаб оқаётган товушини ифодаловчи таклидий сўздир. 琅琅 *lang lang* эса идишлар бир-бирига урилганда пайдо бўладиган товушни ифодаловчи сўз (“чарс-чурс”, “жаранг-журунг”), 潇潇 *xiao xiao* – шамол эсишини ифодаловчи сўз.

Бу сўзлар оғзаки нутқда кам ишлатилиб, одатда, бадий адабиётда қўлланилади. Уларни ўқиб, ниманинг товушига таклид қилинаётганлигини тезда билиб олиш мумкин.

2. Ноаниқ (шаклланмаган, яъни турли ҳолларда қўлланиладиган) таклид сўзлар.

⁹⁷故播刘。实用现代汉语语法。北京, 2003 年. - 页 93.

⁹⁸讖畅叙。词汇专题研究。北京语言大学出版社, 2002. - 页 252.

⁹⁹黄菠菜。实用现代汉语语法。北京, 1989 年. - 页 434-435.

Буларга куйидагиларни мисол тарикасида келтириш мумкин: 轰轰 *hong hong*, 砰砰 *peng peng*, 唰唰 *shua shua*, 哗哗 *hua hua*, 啪哈啪哈 *pa ha pa ha* ва бошқалар.

Ноаниқ тақлид сўзлар инсониятнинг оғзаки ва ёзма нутки маҳсулидир. Бу сўзларнинг аксарияти муайян нарсаларнинг товушига тақлидни ифодалайди. Уларнинг қўлланилиш доираси кенг қўламга эга. Шу сабабли бу сўзлар ниманинг товушини билдираётганлигини тез англаб олиш қийин: 咚咚 *dong dong* “курол, милтиқ овози”, 哗哗 *hua hua* “оқаётган сув товуши”, (ёмғир шовқини), 的的 *dede* “секин, паст овозда гапириш товуши”, 轰轰 *hong hong* “курол овози”, 朴通朴通 *putong putong* “тепадан тушаётган сув товуши” кабилар.

“砰砰！”一声，又碎了些陶器

“*Peng, peng!*” *yi sheng, you sui le xie taoqi*

“Яна бир нечта сопол идишлар “жаранг-журунг”лаб синиб кетди”;

“砰砰！”一声，茶碗落地，破了一身一地的茶¹⁰⁰

“*Peng, peng!*” *yi sheng, chawan luo di, po le yishen yidi de cha*

“Пиёла чарс-чурс этиб тушиб кетиб, ичидаги чойи тўкилди”;

忽听的“咚咚咚”有人敲门

Hu ting de “dong dong dong” you ren qiao men

“Бирдан “так-так-так” қилиб кимдир эшикни тақиллаётгани эшитилди”;

“砰砰”两声，不知是谁从后面打来了两强

“*Peng peng*” *liang sheng, bu zhi shi shui cong hougian da lai le liang qiang*

“Орқадан милтиқнинг “пах-пах” овози эшитилди, кимдир куролдан отаётган эди”.

Редупликатив тақлид сўзларнинг синтактик вазифалари

Редупликатив тақлид сўз феъл олдида келиб, ҳаракатнинг қай равишда бажарилганлигини кўрсатади.

Бундай хусусиятлари билан улар равишларга яқин туради ва гапда ҳол вазифасини бажаради. Улар 地 *de* билан бирга ёки 地 *de* сиз ҳам қўлланилиши мумкин:

许多战士冷得嘴唇发白，牙齿哈哈地响

Xuduo zhanshi leng de zuichun fabai, yachi haha de xiang

“Кўпгина жангчиларнинг лаблари оқариб, тишлари бир-бирига тегмасдан қалтирарди”;

桌子上的闹钟的“哈德哈地”在静夜里清脆地向着¹⁰¹

Zhuozi shang de naozhong de “Hadehadi!” zai jing ye li qingcui de xiang zhe

“Стол устидаги будильник сокин кечада “Динг-донг!Динг-донг!” этиб жиринглади”;

石宝举起枪就大，匪副司令的手枪“当唧唧”地滚了下去¹⁰²

¹⁰⁰故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 92.

¹⁰¹故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 255.

¹⁰²文月。实用现代汉语语法。商务印书馆。北京，1983年。- 页 435.

Shi bao ju qi qiang jiu da, fei fusuling de shouqiang “danglanglang” de gun le xia qu

“Ши Бао куролдан отмоқчи бўлганида, қароқчининг пистолетидан “Пах-пах!” этиб ўқ отилди”;

你听，辣辣得响了，貂在咬瓜了¹⁰³

Ni ting, lala de xiang le, diao zai yaogua le

“Эшитиб кўринг-а, олмахон “чақ-чук” этиб писта чақмоқда”;

“咕！咕！咕！”王阿大的肚子里又一次猛烈地叫着

“Gu!gu!gu!” Wang A Da de duzi li you yi ci menglie de jiao kan

“Ван Данинг ичидан “кулдир-кулдир” товуш чиқарди”.

Редупликатив тақлид сўзлар предметнинг товуш томонидан белги-хусусиятларини кўрсатиб, гапда аниқловчи вазифасини бажаради:

我躺着，听船的“潺潺”的水声，知道我在走我的路¹⁰⁴

Wo tang zhe, ting chuande “chanchan” de shui sheng, zhida wo zai zou wo de lu

“Мен ётиб, сузиб бораётган пароход тагидаги сувнинг жимир-жимир овозини эшитмоқдаман”;

正在这时候，石洞里传来“咕咚咕咚”的脚步响¹⁰⁵

Zhengzai zhe shi, shidong li chuan lai “gudong gudong” de jiaobu xiang

“Шу пайт ғорнинг ичидан “данг-дунг” қадам товуши эшитилди”;

东方刚刚发白，那呜呜的火轮的汽笛声就从村外的小河里送到村里来了¹⁰⁶

Dongfang gangan fabai, na wuwu de huolun de qidisheng jiu cong cunwai de xiaohe li song dao cunli lai le

“Шарқ томон энди ёришаётганида поезд сиренасининг “ту-ту-у” этаётган овози қишлоқ ичкарасига эшитилди”;

再看看那“滴哈滴哈”的小闹钟 – 已经三点半了¹⁰⁷

Zai kankan na “diha diha” de xiao naozhong — yijing san dian ban la

“Жаранг-журунг” этиб жиринглаётган соатга яна қараганимда уч ярим бўлган экан”.

Редупликатив тақлид сўзлар гапнинг кесими вазифасида ҳам кела олади: 他们轻轻划着船，船两边的水“哗哗”

Tamen qingqing hua zhe chuan, chuan liang bian de shui, huahua

“Улар қайиқда секин сузиб бормоқдалар, қайиқнинг икки томонида сувнинг жимир-жимир овози эшитилмоқда”;

忽然他们听见大街上车子“轰隆隆”的，还有过队伍的声音¹⁰⁸

Huran, tamen tingjian dajie shang, chelunzi “hong longlong” de, hai you guo duiwu de shengyin

¹⁰³ 故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 97.

¹⁰⁴ 文月。实用现代汉语语法。商务印书馆。北京，1983年。- 页 439.

¹⁰⁵ 文月。实用现代汉语语法。商务印书馆。北京，1983年。- 页 436.

¹⁰⁶ 汉字读写联系。北京语言学院出版社，1998年。- 页 171.

¹⁰⁷ 文月。实用现代汉语语法。商务印书馆。北京，1983年。- 页 436.

¹⁰⁸ 故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。- 页 255

“Бирдан улар кўча томондан “пах-пах” пақиллаётган товушни эшитдилар, бу ўтиб кетаётган ҳарбий отряднинг овози эди”.

Хитой тилида редупликатив тақлид сўзлар отлашиб, гапда тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради:

火车从这里经过的时候，窗户都被震的“哗啦哗啦”的¹⁰⁹

Huochē cong zhè lǐ jīngguo qù de shíhòu, chuānghuò duō bei zhèn de “hualā-hualā” de

“Поезд бу ердан ўтаётганида титраётган ойналарнинг “зир-зир” аси эшитилади”;

他见奶奶锁上门走了忽地“嗷嗷”的

Tā jiàn nǎinai suǒ shàng mén zǒu le hūde “āo āo” de

“У бувиси эшикни “шарақ-шарақ” этиб қулфлаётганини кўрди”;

他躺在床上，听得见邻居家的门，砸得“咚咚咚”的¹¹⁰

Tā tāng zài chuānshàng, tīng de jiàn línjūjiā de mén, zhā de “dōng dōng dōng” de, yǒu shì kōng, yǒu shì kǔ

“У каравотнинг устида ётиб, кўшни эшигининг ғичирлаётганини эшитди”.

Ҳисоб сўзларда редупликация

Хитой тили ҳисоб сўзларида қуйидаги редупликатив моделлар мавжуд: ‘АА’, ‘— АА’, ‘— А— А’.

Ҳисоб сўзларнинг ‘АА’ редупликатив модели

Ҳисоб сўзларнинг ‘АА’ кўриниши одатда кўп учрайдиган такрорий моделлардан бири бўлиб, мазкур редупликатив кўринишга эга бўлган сўз “ҳар бир” деган маънони билдиради, масалан:

条条大路通北京

Tiáotiáo dàlù tōng Běijīng

“Ҳар бир йўл Пекинга олиб боради”;

步步紧跟着妈妈

Bùbù jǐn gēnzhe māma

“Ҳар қадамда онасининг пинжида юрган”;

次次都迟到

Cìcì dōu chídào

“Ҳар сафар кеч қолмоқ”.

Ҳисоб сўзларнинг ‘— АА’ редупликатив модели

Ҳисоб сўзларнинг ‘— АА’ кўриниши юқоридаги моделдан — уй “бир” сони кўшилиши билан фарқ қилади. Сўзнинг маъноси унинг гапда қайси вазифани бажаришига боғлиқ. Агарда редупликатив сўз аниқловчи вазифасида келган бўлса, унда у “кўп” маъносини билдиради¹¹¹:

一队队 yìduìduì “тўп-тўп одамлар”,

一件件 yì jiànjiàn yīfú “турли-туман кийим”,

¹⁰⁹ 文月. 实用现代汉语语法. 商务印书馆. 北京, 1983 年. - 页 436.

¹¹⁰ 文月. 实用现代汉语语法. 商务印书馆. 北京, 1983 年. - 页 437.

¹¹¹ Каримов А.А. Хитой тилида ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. - Т.: ТошДШИ, 2003. - Б. 74.

一支支笔 *yizhi zhi bi* “дона-дона қалам”.

Агарда ‘—АА’ редупликатив кўринишдаги сўз гапда ҳол вазифасида келса, унда у “бирин-кетин”, “алоҳида-алоҳида” каби маъноларни англатади:

一次次说 *yicici shuo* “кетма-кет гапирмоқ”,

一回回来 *yihuihui lai* “кетма-кет (бирин-кетин) қайтиб келмоқ”,

一口口吃 *yikoukou chi* “кетма-кет (бирин-кетин) оғизга тикмоқ”.

Ҳисоб сўзларнинг ‘—А—А’ редупликатив модели

Ҳисоб сўзларнинг ‘—А—А’ редупликатив модели сон ва ҳисоб сўз бирикмасининг тўла такрорланган кўриниши бўлиб, ‘—АА’ моделига ўхшаб аниқловчи бўлиб келганда кўп миқдорни билдиради; сўзнинг ‘—АА’ редупликатив кўринишидан конкрет лексик маъно ифодалаши билан фарқ қилади:

‘—АА’ моделида:

一件件衣服

yijianjian yifu

“турли-туман кийим”

‘—А—А’ моделида:

一件一件的衣服

yijian yijian de yifu

“қават-қават кийим” каби.

Ҳол вазифасида ‘—АА’ шаклига ўхшаб умумий кетма-кетликда бажарилган ҳаракатни билдиради, лекин бунда ҳам унинг ўзига хос маъноси бор:

‘—АА’ моделида:

一口口吃

yikoukou chi

“кетма-кет оғизга тикмоқ (емоқ)”

‘—А—А’ редупликатив шакли

一口一口地吃

yikou yikou de chi

“бир тишлам-бир тишламдан емоқ”

Ҳисоб сўзларнинг ‘—АА’ редупликатив шакли ҳаракатнинг интенсив равишда, тезкорлик билан бажарилишини ифодаласа, ‘—А—А’ редупликатив шакли ҳаракатнинг аста-секин, бирин-кетин юз бериши маъносини билдиради:

一本一本的看

yiben yiben de kan

“китобларни битта-битталаб ўқимоқ”;

一个一个走过去

yige yige zouguoqu

“битталаб-битталаб ўтиб кетмоқ”.

‘—А—А’ моделининг яна бир хусусияти шундаки, ‘—АА’ моделида сон ўрнида, одатда, — *yí* “бир” сони ишлатилади, ‘—А—А’ моделида эса нафақат — *yí* “бир” сони, балки бошқа сонлар ҳам қўлланилади:

三家三家的飞过

sanjia sanjiade feiguo

“учта-учталаб учиб ўтмоқ”;

十本十本地搬

shiben shibende ban

“китобларни ўнта-ўнталаб ташимоқ”.

Бешинчи мавзу бўйича мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Хитой тили от сўз туркумига оид сўзларнинг қандай редупликатив моделлари мавжуд? Улар ҳақида маълумот беринг.
2. Хитой тили тақлидий сўзларнинг қандай редупликатив моделлари мавжуд? Улар ҳақида маълумот беринг.
3. Редупликатив тақлидий сўзларнинг синтактик вазифалари ҳақида нималар биласиз?
4. Хитой тили ҳисоб сўзларнинг қандай редупликатив моделлари мавжуд? Улар ҳақида маълумот беринг.
5. Ҳисоб сўзларнинг синтактик вазифалари ҳақида нималар биласиз?
6. Такрорланган микдорий бирикмаларнинг грамматик функциялари ҳақида маълумот беринг.
7. Хитой тили предикатив сўз туркумларида редупликация ҳақида ёзма жавоб беринг. Мисоллар келтиринг.
8. Хитой тили исмий сўз туркумларида редупликация ҳақида ёзма жавоб беринг. Мисоллар келтиринг.

Махсус адабиёт ва манбалар руйхати:

1. 丁声树等。现代汉语语法讲话。– 北京：商务印书馆，1961 年。
2. Jerome L. Packard. The morphology of Chinese: A Linguistic and Cognitive Approach. – Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press; Cambridge University Press, 2001.
1. Ҳашимова С. Хитой тили тақлидий сўзларда редупликация // Шарқшунослик. – Т., 2007. – № 1.
2. Ҳашимова С. Редупликация и усечение слов как англоязычный фактор образования жаргонизмов у китайскоязычной молодежи // “Хитойшуносликнинг долзарб масалалари” Республика илмий анжумани. – Т., 2010.
3. Ҳашимова С. Хитой тилида ҳисоб сўзлар хусусияти // “Ёш филолог” илмий тўплам. – Т., 2011.
4. Ҳашимова С. Перевод и понимание // Маяк Востока. – Т., 2011.
5. Ҳашимова С. Использование информационных технологий на уроках китайского языка как средство формирования компетенций обучающихся // Шарқшунослар анжумани. – Т., 2011.
6. Ҳашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т., 2012.
7. 故播刘。实用现代汉语语法。– 北京，2003 年。
8. 黄菠菜。实用现代汉语语法。– 北京，1989 年。

ХУЛОСАЛАР

1. Такрор усулининг универсаллиги ва унинг ҳар хил типологиядаги тилларда структур ва семантик-функционал ўзига хослиги редупликация тиллар таснифида типологик белгилардан бири эканлигини кўрсатади.

2. Ҳар хил типологиядаги тиллар нафақат барча (ёки кўпчилик) тиллар учун умумий бўлган сўз ичидаги такрор усулини ўзига хос тарзда қўллаш, балки бу усул тараққиётининг бошқа типологик кўрсаткичлар билан боғланганлик даражаси жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади.

3. Сўз ичидаги такрор усули, шубҳасиз, сўз яшашнинг асосий усули сўз қўшиш бўлган тилларда кенгроқ қўлланади. Сўз қўшиш усулидан фойдаланмайдиган тилларда редупликация усули анча чекланган бўлади.

4. Редупликацияни, бир томондан, сўз қўришнинг ўзига хос усули сифатида қабул қилган ҳолда, иккинчи томондан, унинг структур-семантик ва функционал кўринишлари турли-туманлигини ҳисобга олувчи қуйидаги таърифни таклиф қилиш мумкин: редупликация – бу морфема, ўзак ёки унинг унсурлари (товуш, бўғинлар), аффикс ва бутун сўзларнинг такроридан иборат сўз ёки шакл ҳосил қилиш усулидир. У ёки бу турдаги редупликациянинг махсулдорлиги тил морфологик қўрилишининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

5. Редупликациянинг структур таснифини умумий тарзда қуйидагича келтириш мумкин:

1. Редупликант товушнинг тўла ёки қисман такрорланиши билан боғлиқ редупликация:

а) оддий редупликация (*тўлиқ редупликация* – ўзак-морфема ёки ўзак-сўз редупликацияси, товуш комплекси редупликацияси; *тўлиқсиз редупликация* – битта товуш, битта бўғин ёки редупликантнинг узунроқ қисми (дивергент қисмлар ҳосил бўлмасдан) редупликацияси; *дивергент редупликация* – редупликант товуш таркиби ўзгариши (жумладан, тон ўзгаришлари) билан биргаликдаги такрор, яъни дивергент қисмлар ҳосил бўлишини кўзда тутувчи редупликация);

б) мураккаб редупликация (ёрдамчи морфемалар (аффикслар, яримаффикслар) иштирокидаги такрор).

2. Редупликант товушнинг такрорланиши билан боғлиқ бўлмаган редупликация – синонимик лексик бирликлар такрори, яъни маъно такрорларини яратиш.

6. Редупликация хитой тилининг барча сўз туркумларида кенг қўлланилади. Хитой тилида редупликациянинг икки тури ажратилади. Биринчи турида янги маънога эга бўлган лексик birlik вужудга келади. Бу редупликация сўз яшаш усули ҳисобланади. Иккинчи турида сўзнинг иккиланган морфемасига эга эквиваленти вужудга келади. Бу редупликация форма ясайди.

7. Ҳозирги хитой тилида редупликациянинг структур жиҳатдан умумий уч тури мавжуд:

1) бутун сўзнинг такроридан ҳосил бўладиган редупликация – тўлиқ редупликация. Бу турдаги редупликациянинг ‘АА’, ‘ААВВ’, шунингдек, сўз бўғинининг кетма-кет такрорланишидан тузиладиган ‘ААВВ’ редупликатив моделлари мавжуд;

2) сўзнинг маълум бўғини такрори натижасида вужудга келадиган редупликация – тўлиқсиз редупликация. Бу тур редупликациянинг ‘АВВ’, ‘ВВА’ моделлари учрайди;

3) мураккаб редупликация – ёрдамчи морфемалар (аффикслар, яримаффикслар) иштирокидаги такрор. Бу хилдаги редупликациянинг ‘А 里 АВ’, шунингдек, ‘А 巴 А 巴’ ва ‘А 来 А 去’ каби моделлари бор.

8. Редупликациянинг қуйидаги янги моделлари мавжуд:

а) от сўз туркумига оид сўзларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВ’, ‘АВВ’ моделлари;

б) сифатларда тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ модели;

в) феълларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ моделлари;

г) равишларда тўлиқ редупликациянинг ‘АА’, ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВ’, ‘АВВ’, ‘АВСС’ моделлари;

д) таклид сўзларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, ‘АВАВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ моделлари;

е) ундовларда тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ модели;

ё) фразеологизмларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВВ’, ‘АВАС’, ‘АВВВ’, ‘АВСС’ моделлари.

9. Сўз туркумлари ва фразеологизмларда редупликациянинг 6 та тўлиқ ва 13 тўлиқсиз модели бор. Тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, ‘АА’ ва тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ модели махсулдор деб топилди. Тўлиқ редупликациянинг ‘АВАВ’, ‘—А—А’ ва тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВ’, ‘АВСС’, ‘АА儿’, ‘А里 АВ’, ‘ААВ’ моделлари каммаҳсул деб топилди.

10. Редупликатив сўзлар гапнинг оҳангини, таъриф-мазмунини кучайтиради, таъкид, кўплик, такрор, давомлилик, экспрессивлик маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Редупликация ёрдамида тилнинг фреквентатив категорияси намоён бўлади.

11. Редупликатив сўзлар гапда қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) сифат сўз туркумига оид сўзлар аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ёки кесим;

б) феъл сўз туркумига оид сўзлар, одатда, кесим, баъзи ҳолларда эга ёки тўлдирувчи;

в) таклид сўзлар асосан ҳол, аниқловчи, баъзи ҳолларда кесим ёки тўлдирувчи;

г) ҳисоб сўзлар кўпинча аниқловчи, ҳол, баъзан эга вазифасини бажаради. Сон ва ҳисоб сўзи бирикишидан ҳосил бўлган микдорий-ҳисоб бирикмаларининг такрорланган кўриниши гапда аниқловчи ёки ҳол вазифасини бажаради.

12. Хитой тилида редупликация турли сўз туркумларида ҳар хил моделлар асосида ҳосил бўлади (илова№1).

Шу билан бирга, турли сўз туркумларига оид сўзларнинг ўзларига хос редупликатив моделлари ҳам мавжуд (илова№2).

Ҳисоб-китобга қараганда хитой тилида редупликатив моделларнинг 31% сўз яшаш учун, 69% форма яшаш учун хизмат қилади.

Хитой тилида редупликация кўпроқ сифат (67%), фразеологизмлар (11%), от (6%), равиш (5%), сўнгра феълларда (3%) учрайди.

Ҳозирги хитой тилида редупликатив сўзлар нафақат сўзлашув, балки адабий тилда ҳам кенг қўлланади.

ГЛОССАРИЙ

Амалий тилшунослик – тилшуносликнинг масалаларини амалий йўл ва методлар билан ўрганувчи, тадқиқ этувчи соҳалар. Масалан, экспериментал фонетика, лингвостатистика, лексикография ва б.

Аналитик усул – ёрдамчи сўзлар воситасида сўз ясалиш усули.

Аффикс - (лот. affixus – бирлаштирилган, бириктирилган) – сўзга зид қўйиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўйиладиган асоснинг луғавий ёки грамматик маъноларини шаклланишига хизмат қилувчи морфема; қўшимча.

Аффиксация – аффикс ёрдамида сўз ёки шакл ясалиши

Гапнология - (юн. gaplos – оддий, logos – тушунча, таълимот)

Глоссарий – бирор бир асарда, китобда қўлланилган ва тушинилиши мураккаб бўлган сўзларнинг изоҳ луғати

Глоттогония - (юн. glotta – тил, gonos – тўғилиш) – тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги таълимот

Депредикация – предикатив синтагмани нопредикатив синтагма тарзида трансформациялаш.

Деривация - (лот. derivatio – ясалиш) – м. аффиксал сўз ясалиши

Дескриптив лингвистика - (инг. descriptive – тасвирий) – америка структурализми, яъни тил тузилиши шаклий унсурларини дистрибутив усуллар ёрдамида тадқиқ этиш, ўрганиш.

Детерминант – гапнинг бошланишида мустақил таркибий қисм сифатида келиб, ўзидан кейинги қисмга бир бутун шаклда таалуқли бўлиб, унинг яхлитлигича кенгайтирадиган иккинчи даражали бўлак.

Дезтимологизация - (лот. de – айириш маъноли олд қўшимча плюс этимология) – сўзда этимологик боғланишнинг йўқолиши

Диалектология – (юн. dialektos – шева, лаҳжа – logos – тушунча, таълимот) – филологиянинг диалект, лаҳжа ва шеваларини ўрганувчи бўлими

Диахрония - (юг. dia – орқали + chronos – вақт) – айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик тадқиқ этиш

Дистрибутив метод – структурал лингвистикада тил унсурларини муайян тилга хос қонун–қоидалар асосида бўлиш методи.

Иероглифлар - (юн. hieroglyphoi – муқаддас ёзувлар) – бутун бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиладиган график ифода.

Илмий услуб – терминологик ва мавхум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларнинг қўлланилиши, сўзларнинг конкрет, тўғри маънода қўлланилиши, махсус ибораларга эга эканлиги ва шу кабилар билан ажралиб турувчи функционал услуб, метод.

Илмий грамматика – назарий ғояларнинг сўнгги ютуқлари асосида яратиладиган грамматика.

Ингерент коннотация – нутқий матндан ташқарида ҳам воқеаланидиган, сўзнинг мавжуд бўлган коннотатив маъноси.

Интерференция - (лот. inter – ора+ferens, frentis–ўтказиш) – она тилига хос хусусиятларни ўрганилаётган тилга ўтказиш.

Интралингвистика – тилшуносликнинг тил ички тизимини, унинг бирликлари ва категорияларини, тил яруслари ва уларнинг тузилишини нолисоний омилларга мурожаат қилмай ўрганувчи соҳа.

Каузатив – ҳаракатнинг бажарилиши учун сабаб, қўзғаш маъносига эгалик.

Композиция - (лот. composito – тузиш) -сўз қўшиш, қўшма сўзлар.

Компонет - (лот. componens –ташқил этувчи) - маълум бир тил бирлигининг таркибий қисми. Сўз бирикмасининг компонентлари.

Конверсия - (лот. conversion – айланиш, ўзгариш) –сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши.

Корреляция - (лот. correlatio – алоқа, муносабат) – икки ёки ундан зиёд тил бирлигининг ўзаро боғлиқлиги.

Лексема - (юн. lexis – ибора, нутқ ўрами) – тилнинг луғат таркибига хос birlik.

Лексика - (юн. lexikos – сўзга оид, луғавий) – тилнинг луғат таркиби. Луғат таркибининг қўлланиш соҳаси, услубий соҳаси ва келиб чиқиши каби турли жиҳатлардан ёндошиб ажратиладиган гуруҳлари. *Ижтимоий – сиёсий лексика. Экспрессив лексика.*

Лексик антонимия - луғавий birlikлар (сўзлар) орасидаги антонимия.

Лексик антонимлар - қарама –қарши (акс, зид) маънодаги сўзлар.

Лексик калька - ўзга тил луғавий birlikгидан қисмма–қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз.

Лексикография - (юн.lexikos – луғат, grapho – ёзмоқ). Луғатшунослик таълимоти.

Лексикология - (юн.lexikos – луғатга, сўзга оид, logos – таълимот). Тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибини ўрганувчи бўлими (тарихий лексикология, тасвирий лексикология, қиёсий лексикология).

Лексик омонимия - лексик birlikлар орасидаги омонимия.

Лексик синонимия - луғавий birlikлар орасидаги синонимия.

Лингвистика - (фран. linguistique, лот. lingua – тил). Тилшунослик фани.

Лингвистик таҳлил -тил, нутқ birlikларини, уни ташқил этувчи қисмлари, мазмуни, маъноси, моҳияти, вазифаси ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ этиш (лексикологик, фразеологик, семасиологик, семантик, фонетик, имловий, орфоэпик, морфологик, структур, синтактик, когнитив, пунктуацион, услубий, этимологик, этнографик ва б. турдаги таҳлил).

Лингвистик универсалия - тиллар учун умумий бўлган тил ҳодиса.

Матн - ёзув орқали экс этирилган манба, нутқ, текст, хат, маълумот, хабар ва б.

Махсус лексика - ижтимоий – сиёсий фаолиятнинг турли соҳаларига тегишли нарса ёки ҳодисаларни номловчи сўзлар.

Маҳсулли аффикслар - сўз яшаш вазифасини тўхтатмаган, оз ёки кўп микдорда сўз яшаш учун хизмат қилаётган аффикслар.

Морфема - тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмга бўлиниши мумкин бўлмаган энг кичик қисми, birlikи (лексик морфема ва аффиксал морфема. М: “ҳайдовчи” сўзида “ҳайдов” – лексик морфема, “–чи” аффиксал морфема.)

Морфология - (юн. morphē – шакл, logos – таълимот). 1.Сўз шакллари ҳақидаги

грамматик таълимот. 2. Тилнинг морфологик қурилиши.

Нолисоний омиллар - тил тараққиётига таъсир кўрсатувчи объектив воқеаликка доир шарт – шароитлар (тил қонуниятлари бундан истисно).

Норматив грамматика - сўз шакллари ва синтактик қурилиш моделларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгиловчи грамматика.

Омонимика - омонимларни ўрганувчи соҳа. Омонимлар мажмуи.

Омонимия - бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиши жиҳатидан бир хил бўлиш ҳодисаси (лексик омонимия, фразеологик омонимия, грамматик омонимия ва б.).

Омонимлар - (юн. *homos* – бир хил, *опута* – ном). Ёзилиши ёки талаффузи бир хил бирдан ортиқ сўзлар ўт – (майса, олов, ўтмоқ ва б.).

Ономасиология - лексикологиянинг луғавий birlikларини номлаш ва тушунча англатиш тамоиллари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

От - предметлик маъносини билдирувчи сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўз. Предметлик кенг тушунчаларни қамраб олади (инсон, нарсa, ҳодиса ва б.). Отлар маъно жиҳатидан ва ифодаладиган тушунчанинг хусусиятларига кўра атоқли от, турдош от, аниқ от, мавҳум от, якка от, жамловчи от ва б. турларга бўлинади.

Парадигма - (юн. *paradeigma* – мисол, намуна). Тил birlikлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи бўлими, тизими.

Парадигматика - тил birlikларини тил тизимига мансуб парадигмаларнинг унсури сифатида текшириш аспекти.

Паралингвистика - лингвистиканинг ўзаро алоқа аралашувида имо – ишора, мимика, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳа.

Паронимия - фонетик тузилиши бошқа – бошқа сўзларнинг талаффузи ўхшаш ва яқин бўлиш ҳодисаси.

Предикативлик - гап мазмунининг воқеаликка муносабатини тил воситалари билан ифодаланиши. Замон, шахс сон ва модаллик категориялари предикативликни ифодаловчи грамматик воситалар бўлиб, хабар оҳанги билан бирга гапнинг умумий характерли белгилари ҳисобланади.

Редупликация - (лот. *reduplicatio* – иккиланиш). Тилшуносликда маълум бир сўзни такрор шаклда қўллаш. 2. Маълум бир маънони таъкидлаш, алоҳида кўрсатиш, ифодалаш мақсадида такрор сўз ясаш ёки ҳосил қилиш усули.

Рема - гапнинг актуал бўлинишида темадан сўнг янги хабарни, маълумотни билдирадиган қисм.

Сегмент - (лот. *segmentum* – қирқим, бўлак). Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлақларга (қирқимларга) бўлиниши натижасида ҳосил бўлган бўлак.

Сема - (юн. *sema* – белги). Лексик маънони ташкил этувчи компонент (бўлак, қисмлар). Умумий сема. Фарқловчи сема.

Семантика - (фран. *sementique, sementikos* – ифода этувчи). Тил birlikларининг мазмун, маъно томони.

Семантик калька - ўзга тилга оид сўзлар билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилидаги сўзга шу маънонинг берилиши.

Семантик майдон - маълум бир архисистема асосида бирлашувчи сўз ва иборалар мажмуи.

Семантик сўз - семасиологиянинг ўрганиш, тадқиқ этиш объекти сифатида қабул қилинган сўз.

Семасиологик таҳлил - луғавий бирликларнинг семантикаси ва у билан алоқадор бўлган ҳодисалар нуқтаи -назарида олиб бориладиган таҳлил.

Семасиология - (юн.semasia – ифода этиш, logos – фан, таълимот, тушунча). Тил бирликларининг, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа.

Семиология - (юн.sema – белги, logos – тушунча, таълимот). Айн. семиотика.

Семиотика - (юн.semiotike – белги). Белгилар, рамзлар тизимининг умумий хусусиятларини тадқиқ этувчи фан.

Сермахсул аффикслар - Кўп миқдорда сўз ясайдиган, ҳозирги сўз ясалишида фаол бўлган аффикслар (– чи, –ли, –ла, – дор, –дон ва б.).

Синонимика - тилшуносликнинг синонимларни ўрганувчи бўлими, соҳаси. 2. Синонимлар мажмуи.

Синонимия - (юн. synonymia – бир хил номга эгалик). Тил бирликларининг бир хил денотатив маънога эга бўлиши.

Синонимлар - (юн. synonymos – бир номли). Бир умумий маънога эга бўлган, аммо қўшимча маъно хусусиятлари, услубий бўёғи, қўлланиши ва ш.к. билна фарқланадиган сўзлар.

Синтагма - (юн. syntagma – бирлашган нарса). Нутқнинг мазмун ва мелодик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этувчи семантик – синтактик бирлиги. Синтагма бир ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши, ҳатто гапга тенг бўлиши ҳам мумкин.

Синтагматика - тил бирликларини нутқ занжиридаги унсурлар сифатида текшириш аспекти.

Синтагматик грамматика - сўз бирикмаси, гапларни синтагматик планда ўрганувчи грамматика.

Синтагматик муносабатлар - тил бирликларининг нутқ оқида юз берадиган хусусиятлари асосидаги муносабатлари.

Синхрония - (юг.syn – бирга, chromos – вақт). Айрим тил ҳодисаларининг яхлитлигича тил тизимининг маълум бир тарихий ривожланиш босқичидаги ҳолатини лингвистик тадқиқот сифатида шартли ажратиб олиш.

Система - (юн. systema – бир бутунлик, қисмлардан тузилган, ташкил топган мажмуа).

Ситуация - (фран. situation – шароит, ҳолат, вазият). Нутқ ёки матн юз бераётганда унга таъсир этувчи шароит.

Социолингвистика - (лот. soci (etas) – жамият плюс лингвистика). Тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаши ва тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси.

Субституция - (лот. Substitution – алмаштириб қўйиш) Трансформациянинг бир усули.

Субстрат - (лот. sub stratum – тилларнинг чатишиши натижасида бир тилнинг бошқа тилда қолдирган излари).

Термин - (лот. terminus - чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарсa ҳақидаги тушунчани аниқ ифодаладиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади.

Терминологик лексика - терминлардан иборат бўлган лексика.

Терминология - (termin +logos – сўз, таълимот). Бирор илм, касб ва б. соҳаларга оид терминлар мажмуи. Тилшуносликнинг терминларни ўрганувчи, тадқиқ этувчи бўлими.

Трансформацион таҳлил – синтактик тузилмаларни қайта тузиб, содда тузилмаларга келтириш методи, услуби ва қойидалари.

Услубий синонимлар - маълум бир услубга оидлиги билан ўзаро фарқланадиган синонимлар.

Услубий таҳлил - матннинг, унинг қисмларининг нутқ услубларидан қайси бирига тегишлиги, бу оидликни белгиловчи омиллар ва шу кабиларни белгилаш нуктаи назаридан олиб бориладиган таҳлил.

Фраза - (юн. phrasis – ифода нутқ ўрами).

1. Нутқнинг алоқа қилиш бирлиги сифатидаги энг кичик мустақил бирлиги.
- 2.Энг катта фонетик бирлик – фикр тугаллигика эга, алоҳида оҳанг ёрдамида бирлашган ва ўзига ўхшаш бирликлардан тўхтам орқали ажратилган жумла.

Фразеологик калька - ўзга тил фразеологик бирлигидан қисмма – қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик бирлик.

Функционал семантика - сўз семантикасининг ўзгаришини улар англатган нарсаларнинг бир хил вазифа бажариши билан изоҳловчи назария.

Штамп - (итал.stampa – муҳр). Луғавий маъноси хиралашган, экспрессивлик хусусияти йўқолган, тилда ёки нутқда ўзгармас қолип шаклига келган ифода.

Экспрессивлик - тил экспрессив вазифасининг турли шакллар билан намоён бўлиши.

Экспрессия - (лот. expressio – ифода). Нутқнинг, матннинг таъсирчанлик хусусияти.

Этимология - (юн.etymologia – сўзнинг ҳақиқий маъноси).

1. Сўз ва морфемларни келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи фан, соҳа.
2. Сўз ёки морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихи.

Этнолингвистика - тил билан маълум бир миллат, элат, халқ ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фаолияти ва тараққиётида лингвистик ва этник омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи фан.

Ўзлашма сўз - ўзга тилдан қабул қилинган сўз.

Ўзлаштириш - ўзаро таъсир, алоқа натижасида бир тил унсурларининг бошқа бир тилга ўтиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008. – 173 б.
2. Абдурахмонов Х. Ўзбек тили амалий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 2003. - 189 б.
3. Азизов О. Тилшуносликга кириш. - Т.: Ўқитувчи, 1989. - 97 б.
4. Алефиренко Н.Ф. Современные проблемы науки о языке. - М.: Наука, 2005. - 412 с.
5. Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2005. - 138 б.
6. Амирхова Т.А., Ю.В.Рожественский. История языкознания. – М.: Академия, 2003. - 632 с.
7. Антонян К.В. Морфология результативных конструкций в китайском языке. - М.: Муравей, 2003. - 184 с.
8. Баранов А. Н. Введение в прикладную лингвистику - М.: УРСС, 2003. - 358 с.
9. Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. - М.: Восточная литература РАН, 2002. – 755 с.
10. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.- Т.: Фан, 1982. - 139 б.
11. Березин Ф. М. История лингвистических учений. - М.: Высшая школа, 1984. - 318 с
12. Блумфилд Л. Язык. - М., 1968. - 502 с.
13. Буронова М. Структурно-семантические особенности редупликации слов в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. - Ташкент, 1982г. - 24 с.
14. Вархапович Л.В. Лингвистика в таблицах и схемах. - Минск: Новое знание, 2003. - 127 с.
15. Гак В. Г. Языковые преобразования. – М.: Языки русской культуры, 1998. - 763 с.
16. Гао Мин-кай, Лю Чжен-тань. Исследование заимствований в современном китайском языке. - Пекин, 1958. - 116 с.
17. Гинзбург Е.Л. Словообразование и синтаксис. - М.: Наука, 1979.- 264 с.
18. Горелов В.И. Лексикология китайского языка. - М.: Просвещение, 1984. - 321 с.
19. Горелов В.И. Стилистика современного китайского языка. - М.: Просвещение, 1979. - 192 с.
20. Горгониев Ю.А. Прилагательные с удвоенным комплексом в китайском языке // Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиева Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - 265 с.

21. Готлиб О.М. Практическая грамматика китайского языка. - М.: Муравей, 2003. - 180 с.
22. Гуревич И.С. Сложные глаголы в китайском языке 3-5 веков // Спорные вопросы строя китайского языка. - М., 1965. - 178 с.
23. Драгунов А.А. Грамматическая система современного китайского языка. - Л., 1962. - 250 с.
24. Даниленко В.П. Русская терминология (опыт лингвистического описания) - М.:Наука, 1977. - 187 с.
25. Жданкин И.В. Слова единицы речи в китайском языке. - М., 1986. - 140 с.
26. Задоев Т.К., Хуан Шуин. Основы китайского языка (Основной курс). - М.: Наука, 1986. Т.1. - 145 с.
27. Задоев Т.К., Хуан Шуин. Основы китайского языка (Основной курс). - М.: Наука, 1986. Т.2. - 245 с.
28. Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. – М.: Просвещение, 1989. - 496 с.
29. Зограф И.Т. Монгольско-китайская интерференция. Язык монгольской канцелярии в Китае. – М.: Наука, 1984. - 140 с.
30. Иванов А.И., Поливанов Е.Д. Грамматика современного китайского языка. - М., 1930. - 110 с.
31. Исаенко Б.С. К проблеме границ китайского слова. Опыт китайско-русского фонетического словаря. - М., 1957. - 145 с.
32. Камалов Ф. Ўзбек тили лексикаси. - Т., 1953. - 157 б.
33. Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. - Т.: ТошДШИ, 2003. - 119 б.
34. Китайский язык / Коротков Н.Н., Рождественский Ю.В., Сердючко Г.П., Солнцев В.М.. - М.: Наука, 1961. - 180 с.
35. Кленин И.Д. Звуковые заимствования в современном китайском языке // Труды военного института иностранных языков. - М., 1969. - № 5. -121 с.
36. Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. - 350 с.
37. Кодухов В.И. Введение в языкознание. - М.: Просвещение, 1979. - 350 с.
38. Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. - М., 1968. - 400 с.
39. Кочергин И.В. Очерки лингводидактики китайского языка. - М.: Восток -Запад, 2006. - 190 с.
40. Крупа В. Полинезийские языки. - М.:Наука, 1975. - 285 с.
41. Крючкова О.Ю. Редупликация как форма словообразования. - М.: Муравей, 2007. - 125 с.
42. Крючкова Т.Б. Особенности формирования и развития общественно-политической лексики и терминологии. - М.:

-
43. Курдюмов В.А. Курс китайского языка: теоретическая грамматика.- М.: Цитадель-трейд, Лада, 2005. - 573 с.
 44. Лайонз Дж. Язык и лингвистика. - М.: УРСС, 2004. - 317 с.
 45. Ли Цзинси, Лю Шижун. Учебные материалы по грамматике китайского языка. - Пекин, 1959. - 595 с.
 46. Маннонов А. Китаеведение на службе дальнейшего укрепления и развития узбекско-китайских связей // “Ўзбекистонда хитойшунослик: тарих, ҳозирги замон ва келажак” илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2012. – Б.11.
 47. Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. - М.: Наука, 1976. - 145 с.
 48. Немченко В.Н. Основные понятия словообразования в терминах. - Красноярск, 1985. - 203 с.
 49. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - 135 б.
 50. Носирова С. Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 150 б.
 51. Нурматов С.С. Ҳиндий ва сингал тилларидаги соннинг морфологик хусусиятлари: Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т., 2005. – 193 б.
 52. Ошанин И.М. Слово и части речи в китайском языке. - М., 1946. - 125 с.
 53. Ревзин И.И. Два способа выражения идеи предметности и проблема удвоения // Языки Юго-Восточной Азии. Под ред. Алиевой Н.Ф., Короткова Н.Н. - М.: Наука, 1980. - С. 207-225 с.
 54. Реформатский А.А. Введение в языкознание - М., 1955. - 396 с.
 55. Рукодельникова М.Б. Структурно-семантический анализ глагольных комплексов в современном китайском языке. - М., 1995. - 185 с.
 56. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатларнинг турлари. - Т.: Ўқитувчи, 1996. - 116 б.
 57. Семанас А.Л. Лексикология современного китайского языка. - М.: Наука, 1992. - 277 с.
 58. Семенас А.Л. Лексика китайского языка.- М.: Муравей, 2000. - 312 с.
 59. Семенас А.Л. Некоторые особенности семантики сложения в изолирующих языках (К типологии семантических реляций) // Лингвистическая типология. - М., 1985. - С. 176 - 177.
 60. Семенас А.Л. О синтагматической семантике копулятивного сложения в китайском языке // Исследования по китайскому

-
- языку. - М., 1973. - 166 с.
61. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. - М., 1956. - 200 с.
 62. Содиқов Қ.П. XI-XV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари: Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация - Тошкент, 1992. - 250 б.
 63. Солнцева Н.В. Очерки по современному китайскому языку. - М., 1957. - 153 с.
 64. Солнцева Н.В. К вопросу о приложимости общеграмматических терминов к анализу китайского слова // Морфологическая структура слова в языках различных типов. - М., 1963. - 156 с.
 65. Солнцева Н.В. Очерки по современному китайскому языку. - М., 1957. - 204 с.
 66. Тань Аошуан. Видо-временное оформление в китайском языке. - М., 1987. - 120 с.
 67. Турсунов У., Мухторов Ж, Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - 120 б.
 68. Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. - Новосибирск: Наука, 1981. - 130 с.
 69. Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. - М.: Муравей, 2003. - 223 с.
 70. Хаматова А.А. К вопросу о тенденциях развития современной китайской лексики //Актуальные проблемы китайского языкознания. - М., 1994. С.149-150.
 71. Хашимова С. Ҳозирги хитой тилида редупликация: Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т., 2009. - 154 б.
 72. Хашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т.: Jahon Press, 2012. – 150 б.
 73. Хомский Н., Миллер Дж. Введение в формальный анализ естественных языков. - М, 2003. - 62 с.
 74. Чурилина Л. Н. Актуальные проблемы современной лингвистики. - М.: Флинта, Наука. 2006. - 405 с.
 75. Шанский Н.М. Основы словообразовательного анализа. М.: Учпедиз., 1953. - 180 с.
 76. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003. - 156 б.
 77. Шмелёв Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики (на материале русского языка). - М.: Наука, 1973. - 232 с.
 78. Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: Ўқитувчи, 1980. - 114 б.
 79. Щичко В.Ф. Китайский язык: теория и практика перевода. -

-
- М.: Восток-Запад, 2004. - 223 с.
 80. Худойбергенова З. Ритм в китайском языке как главенствующий фактор речи // “Ўзбекистонда хитойшунослик: тарих, ҳозирги замон ва келажак” илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2012. – Б.27.
 81. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт, такрорий сўзлар. - Ўзфанакаднашр, Т.: 1963. - 146 б.
 82. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари ҳақида. - Т.: Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва Адабиёт институти, 1950. - 118 б.
 83. Bloomfield L. Language. - New York, 1963. - 390 p.
 84. Chao Yuen-ren. A grammar of spoken Chinese. Univ. of Californiya press, 1968. - 300 p.
 85. 陈前软。基础汉语课本。北京：商务印书馆，1991 年。 - 145 页。
 86. Chomsky N. Knowledge of Language: Its Nature, Origin and Use. - Greenwood Publishing Group. - Westport, CT, USA, 1985. - 320 p.
 87. Chomsky N. New Horizons in Study of Language and Mind.- Cambridge University Press. - Cambridge, England, 2000. - 239 p.
 88. Chomsky N. On Nature and Language. – Beijing University Press, 2004. - 179 p.
 89. Conrad R. Lexikon sphachwissenschaftlicher termini. - Leipzig, 1985. - 280 p.
 90. 柴世霖。试论汉语双音动词重叠形式的问题。河北大学学报，1980 年低期。 - 65 页。
 91. 陈前软 。动词重叠的情况特征及气体的地位，语言教学与研究。 - 北京, 2001 年。 - 235 页。
 92. 成语词典。上海辞书出版社，1992 年。 - 275 页。
 93. 丁声树等。现代汉语语法讲话。北京：商务印书馆，1961 年 - 124 页。
 94. 读报利看中国。北京大学出版社，1999 年。 - 147 页。
 95. Gao Minkai. Putong yuyanxue. – Shanghai, 1955. - 248 ye.
 96. Gao Wenda, Wan Lijin. Cihui zhishi. - Jinan, 2006. - 175 ye.
 97. 高级汉语。华语教学出版社，1999 年 - 90 页。
 98. 高级汉语。华语教学出版社，2009 年 - 120 页。
 99. Hansell M. Serial verbs and complement constructions in Mandarin: A clause lincage analysis // Advances in role and reference grammar. Amsterdam, 1993. - 280 p.
 100. 汉俄词典。商务印书馆，上海，2002 年。 - 348 页。
 101. Heine B., Claudi U., Hunnemeyer F. Grammaticalization: A conceptual framework. Univ. of Chicago press.Chikago, 1991. -

-
- 240 p.
102. Hockett C.F. A course in Modern Linguistics. - New York, 1963. - 321 p.
 103. 故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京, 2003 年。- 244 页。
 104. 故播刘。实用现代汉语语法。- 北京, 2003 年。- 455 页。
 105. 龚军。狼的故事。21 世纪出版社, 2001 年。- 115 页。
 106. 黄菠菜。实用现代汉语语法。北京, 1989 年。- 378 页。
 107. Jerome L. Packard. The morphology of Chinese: A Linguistic and Cognitive Approach. - Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press; Cambridge University Press, 2001. - 344p.
 108. 交际汉语。华语教学出版社, 2001 年。- 274 页。
 109. Li Dejin, Cheng Meizhen. A Practical Chinese Grammar. - Beijing: Sinolingua, 2003. - 741 p.
 110. 李海。形容词与 否定副词“不”组合的意义, 句法制约。南京师范大学出版社, 1991 年, 第 2 期。- 98 页。
 111. 李更新。精度篇。北京语言学院出版社, 1991 年。- 297 页。
 112. 李金斯“汉语词汇研究”, 2001, - 71 页。
 113. 李稿。现代汉语动词研究。- 北京, 2004 年。- 187 页。Li Gao. Xiandai hanyu dongci yanjiu. - Beijing, 2004. - 187 ye.
 114. 刘富华。形容词定语的合指分指与语序问题。语言教学与研究, 1999 年, 第 3 期。- 274 页。
 115. 刘舒伞。中国文法研究。北京。1957 年。- 378 页。
 116. 刘元满。“太 + 形/态”与“了”。语言教学出版社, 1999 第 1 期。- 68 页。
 117. Muliie G. The structural principles of the Chinese language. - Peking, 1989. - 156 p.
 118. Nowotna Z. Affix - like word - formation Patterns in modern Chinese. - Prague, 1969. - 178 p.
 119. Nowotna Z. Contributions to the study of loan - words and hybrid words in modern Chinese //Archive Oriental – Prague, 1969. - Vol. 37. № 1. - 112 p.
 120. Packard J.L. The morphology of chinese: a linguistic and cognitive approach. Foreign language teaching and research press. Cambridge university, 2001. - 280 p.
 121. 石定繇。汉语形态学: 语言认知研究法。外语教学与研究出版社。剑桥大学出版社。2005 年。- 180 页。
 122. 实话实说。商务印书馆, 2001 年。- 340 页。
 123. Shprintsin A.G. Chinese-Russian Linguistic Contacts and Russian loan-words in Spoken Chinese. - Countries and peoples

-
- of the Pacific Basin(Summaries of articles by Soviet Scholars). - Moscow, 1971. - 159 p.
124. Thompson S.A. Mandarin Chinese: A functional reference grammar. Berkeley and Los Angeles: Univ. of Californiya press, 1981. - 240 p.
 125. Thompson G. Introducing Functional Grammar. Foreign language teaching and research press. Green publishing group. 2003. - 260 p.
 126. 王赴阮. “动词重叠研究方法”, 2003, - 64 页。
 127. 文月. 实用现代汉语语法. 商务印书馆. 北京, 1983 年. - 270 页。
 128. 冒秀尊. 动词重叠的语法性质语法意义. 语文研究, 1998 年, 第 2 期. - 315 页。
 129. 谏畅叙. 词汇专题研究. 北京语言大学出版社, 2002. - 274 页。
 130. Woods A, Fletcher P., Hughes A. Statistics in Languages Studies. - Cambridge University Press. – Cambridge, England, 1986. - 327 p.
 131. 学明, 石威. 汉语普通话语音变. 北京语言学院出版社 1992 年. - 270 页。
 132. 张宝生. 也谈转“形容词+点”的入围条件和语义取值. 中国语文, 2005 年, 第 2 期. - 135 页。
 133. 张世才. 形容词左转与得以一直想与在剧中的位置. 南京师范大学出版社, 2004 年第 1 期. - 98 页。
 134. Zhang Xiaozhong. Conversational Chinese. Beijing language and culture university press, 1997. - 380 p.
 135. 芝警功. 动词重叠的语法意义. 中国语文 2006 年第 2 期. - 174 页。
 136. 语言学名词解释. - 北京: 商务印书馆, 1960. - 156 页。
 137. Акимов Т., Кыраубаев Ш. Хитойча-ўзбекча-русча фразеологик луғат (汉乌俄成语词典). - Т.: Шарк, 2002. - 280 б.
 138. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.: Советская энциклопедия, 1966. - 608 с.
 139. Сіһаі. - Пекин, 1979. - 2215 с.
 140. Лингвистический энциклопедический словарь. 2-издание, дополненное. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. - 707 с.
 - 141.
 142. Ўзбек тилининг изохли луғати. 1 том. - М.: Рус тили, 1981. - 632 б.
 143. Ўзбек тилининг изохли луғати. 2 том. - М.: Рус тили, 1981. -

-
- 715 б.
144. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1978. - 408 б.
 145. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. - М.: Наука, 1989. - 580 с.
 146. Словарь иностранных языков. - М.: Русский язык, 1979. - 1145 с.
 147. Richards J.C. Longman Dictionary of language teaching and applied linguistics. Cambridge University press, 2000. - 580 p.
 148. The New Webster's Encyclopedic Dictionary of the English language. N.Y., 1995. - 2685 p.
 149. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - 168 б.
 150. 实用成语词典, 知识出版社, 北京, 1991 年。 - 110 页。
 151. 英汉汉英辞典。商务印书馆, 1997 年 - 276 页。
 152. 刘粤。 现代汉语词典。商务印书馆, 北京, 2002 年。 - 545 页。
 153. 中国成语大辞典。上海辞书出版社, 1998 年。 - 275 页。

Интернет саҳифалари

154. <http://www.ncac.gov.cn>
158. <http://www.cninaview.org>
159. <http://www.bfsu.edu.cn>
160. <http://www.bku.edu.cn>
161. <http://www.pku.edu.cn>

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	
Биринчи мавзу. “Редупликация” тушунчаси ҳақида.....	
Иккинчи мавзу. Редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни	
Учинчи мавзу. Хитой тили сифатларда редупликация: структура ва семантика.....	
Сифатларнинг ‘AA + 儿’ <i>er</i> редупликатив модели.....	
Сифатларнинг ‘AABB’ редупликатив модели	
Сифатларнинг ‘A 里 AB’ редупликатив модели	
Сифатларнинг ‘ABAB’ редупликатив модели	
Сифатларнинг ‘AABBCC’ редупликатив модели	
Синоним сифатларнинг қиёсий редупликатив жадваллари	
Тўртинчи мавзу. Хитой тили феълларда редупликация: структура ва семантика.....	
Бир бўғинли феълларнинг ‘AA’ редупликатив модели	
Бир бўғинли феълларнинг ‘A – A’ редупликатив модели	
Бир бўғинли феълларнинг ‘A 来 A 去’ (<i>Alai Aqu</i>) редупликатив модели	
Бир бўғинли феълларнинг ‘东 A 西 A’ (<i>dong A xi A</i>) редупликатив модели	
Бир бўғинли феълларнинг ‘A 巴 A 巴’ (<i>A ba A ba</i>) редупликатив модели	
Икки бўғинли феълларнинг ‘ABAB’ редупликатив модели	
Редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	
Редупликатив феълларнинг синтактик вазифалари	
Бешинчи мавзу. Хитой тили исмий сўз туркумларида редупликация....	
Отларда редупликация.....	
Отларнинг ‘AA’ редупликатив модели	

Отларнинг ‘AABB’ редупликатив модели	
Отларнинг ‘AAB’ редупликатив модели	
Таклид сўзларда редупликация	
Редупликатив таклид сўзларнинг синтактик вазифалари	
Ҳисоб сўзларда редупликация	
Ҳисоб сўзларнинг ‘AA’ редупликатив модели.....	
Ҳисоб сўзларнинг ‘— AA’ редупликатив модели	
Ҳисоб сўзларнинг ‘— A — A’ редупликатив модели	
Такрорланган миқдорий – ҳисоб бирикмаларнинг грамматик функциялари.....	
Хулосалар.....	
Глоссарий.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Мундарижа.....	